*Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi*



# O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN CHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 35 (4537)
2019 ЙИЛ 30 АВГУСТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ВЛАДИМИР ЛЬВОВИЧ ТЮРДЕНЕВНИ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик ҳамкорликни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар алоқаларни ҳамда икки мамлакат ҳудудий бирликларининг ўзаро муносабатларини кенгайтириш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, манфаатли ва истиқболли молиявий-техник ва инвестициявий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш борасидаги самарали фаолияти, республикамиз учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдаги кўмаги, шунингдек, халқларимиз орасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги фаол иштироки учун Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Владимир Львович Тюрденев «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ХЕЛЕНА ФРЕЙЗЕРНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик асосидаги Траст фондини ташкил этиш ва самарали фаолият юритишини таъминлаш тўғрисидаги республикамиз ташаббусини халқаро миқёсда илгари суришга қўшган салмоқли ҳиссаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришлари шароитида аҳоли саломатлигини асраш, энергия ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат бошқаруви ва иқтисодий ўзгаришларни чуқурлаштириш соҳаларида ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга оширишдаги фаол иштироки учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий мувофиқлаштирувчиси Хелена Фрейзер «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ФРЕДЕРИК СТАРРНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кўптомонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида қатор фундаментал илмий асарлар яратишга қўшган салмоқли ҳиссаси, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва кўлами ҳақида халқаро ҳамжамиятни кенг хабардор этишдаги самарали фаолияти учун Ж.Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старр «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ТРЕНТ КЕЛЛИНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришдаги улкан хизматлари, парламентлараро мулоқотни фаоллаштириш, ўзбек парламентчилигининг қонун ижодкорлиги борасидаги салоҳиятини янада оширишга қўшган ҳиссаси, АҚШ Конгрессида «Ўзбекистон бўйича Кокус» – дўстлик гуруҳини ташкил этиш ва барқарор ишлашини таъминлаш, савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш йўлидаги самарали фаолияти, шунингдек, мамлакатимиз тарихи ва маданияти, сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижалари тўғрисида жаҳон жамоатчилигини хабардор этиб бораётгани учун АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 август*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ЖОН МАКГРЕГОРНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон билан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги кўпқиррали ўзаро самарали ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодиёт, экология, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлик соҳаларидаги истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга қўшган катта ҳиссаси, Ўзбекистон Республикасининг глобал ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган тинчлик, барқарорлик ва қатъий ўсишни таъминлашга йўналтирилган ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлагани учун Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Жон Мак Грегор «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 август*

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР




**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан байрам қутловлари келмоқда.**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами – Мустақиллик куни билан чин юракдан табриклайман!

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришди ҳамда халқаро майдонда ўз нуфузини мустаҳкамлади.

Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни юксак баҳолаб, бу ҳамкорлик бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожланишига ишонч билдираман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ишонч муносабатларини алоҳида қадрлайман ҳамда улар мустаҳкамланиб боришига умид қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик, масъулиятли фаолиятингизга катта зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинч-фаровон ҳаёт ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикасининг
Биринчи Президенти – Элбоши**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатингиз муҳим янгиланишлар йўлини босиб ўтиб, давлат қурилишида, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш борасида катта муваффақиятларга эришди.

Кўп асрлик дўстлик ва муштарак тарихга асосланган Қозоғистон – Ўзбекистон мулоқоти изчил ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман. Ўйлайманки, бундай мулоқот давлатлар ўртасида самарали ўзаро муносабатларни йўлга қўйишда бошқалар учун ибратдир.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз қардош мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали стратегик шерикликни янада кенгайтиришда муваффақият кафолати бўлишига ишонаман.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда янги зафарлар, қардош Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва равнақ тилайман!

Ҳурмат билан,

**Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**

Қадрли қардошим!

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига Туркманистон халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва энг эзгу тилакларни йўллаш менга шараф бағишлайди.

Мустақиллик йилларида қардош Ўзбекистон давлатчиликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш йўлида салмоқли муваффақиятларга эришди.

Яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро англашув тамойилларига асосланган Туркманистон – Ўзбекистон муносабатлари халқларимиз фаровонлиги йўлида янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига қатъий ишонаман.

Ушбу қулай имкониятдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

**Қадрли Шавкат Миромонович!**

Тожикистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига мамлакатингизнинг миллий байрами – Мустақиллик куни муносабати билан самимий ва қизғин табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёти йўлидан оғишмай олға бораётгани, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг турли соҳаларида улкан, ҳайратланарли натижаларга эришаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Ўзбекистоннинг, жумладан, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланган конструктив минтақавий ҳамкорлик сиёсатини фаол амалга ошираётган давлат сифатида халқаро нуфузи ортмоқда.

Тожикистон ва Ўзбекистонни дўстлик, яхши қўшничилик ва эзгу мулоқотдан иборат бой тарихий анъаналар боғлаб туради.

Яқин қўшни бўлган халқларимиз муносабатларининг бунёдкор асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бугун ҳам Тожикистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари орасида асосий ўринни эгаллайди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли давлатлараро шериклик ва барча даражадаги мулоқот муваффақиятли кенгаймоқда.

Ғоят самарали тарзда ривожланиб бораётган азалий дўстлик муносабатларимиз кейинги йилларда янада кенг тус олди, уларнинг стратегик шериклик даражасига кўтарилгани бунинг яққол далилидир.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги ўзанга буриш учун зарур шарт-шароитлар яратишда шахсан Сизнинг, муҳтарам Шавкат Миромонович, улкан ҳиссангизни алоҳида қайд этмоқчиман.

Ишончим комил, биз бундан буён ҳам биргаликда икки томонлама муносабатларимиздаги улкан салоҳиятни ишга солиб, стратегик шериклигимизни янада мустаҳкамлаймиз.

Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик, барча ишларингизга муваффақиятлар, дўст ва биродар Ўзбекистон халқига эса мусаффо осмон, тинчлик-осойишталик ва янада ривож тилайман.

Ҳурмат билан,

**Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**

Қирғизистон халқи номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан муборакбод этаман!

Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда минтақавий ва халқаро ҳамкорлик борасида қилинган қатъий қадамлар туфайли Ўзбекистон Республикаси жаҳонда муносиб ўрин эгаллади.

Бугун мамлакатларимиз ҳамкорлиги мисли кўрилмаган даражага кўтарилди. Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари халқларимиз ёрқин келажаги йўлида бундан буён ҳам ривожланиши ва мустаҳкамланиб боришига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлик, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса янада равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

**Сооронбай ЖЭЭНБЕКОВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

**Муҳтарам Президент жаноблари!**

Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва Сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини шахсан ўзим ва халқим номидан самимий муборакбод этаман.

Дўст ва қардош Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган вақт мобайнида – 2017 йилда стратегик шериклик даражасига кўтарилган муносабатларимизни муштарак саъй-ҳаракатлар билан ҳар томонлама янада чуқурлаштиримизга чин юракдан ишонаман.

Стратегик ҳамкорлик олий кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилиши муносабати билан Сизни ва делегациянгизни юртимизда қутлашдан мамнун бўламиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст ва қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик тилаб қоламан.

Ҳурмат билан,

**Режеп Таййип ЭРДЎҒОН,
Туркия Республикаси Президенти**



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА***

**Муҳтарам Президент жаноблари!**

Сизни ва Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг 28 йиллиги билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ички ва ташқи сиёсатда, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада қўлга киритган улкан муваффақиятлар катта ҳурмат-эътиборга сазовор.

Сиз Жаноби Олийлари томонидан амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар мамлакатда ҳам, унинг ташқарисида ҳам юксак эътироф этилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ишонаманки, Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон мамлакат ва жамиятни ривожлантиришда юқори натижаларга эришишда давом этади.

Ўйлайманки, менинг жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифим мамлакатларимизнинг самимий биродарлик алоқалари билан боғланганини яна бир бор тасдиқлади. Шу муносабат билан янги, алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилган икки томонлама муносабатларимиз сифатли ривожланиши учун яқин ҳамкорлигимиз давом этади, деб ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлик ва муваффақият, Ўзбекистон халқига эса абадий фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

**Мун Чже ИН,
Корея Республикаси Президенти**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА БОҒЛОВЧИ АНЖУМАН

***Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳри осмони узра дунё халқларининг куй-қўшиқлари янграётганига бир неча кун бўлди. Йигирма икки йил давомида ҳар икки йилда бир бора “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари ва меҳмонларига бағрини кенг очиб кутиб олаётган бу қадимий ва гўзал шаҳар ўн иккинчи бор анжуманнинг бетакрор нурларига бурканди.***



26 август куни муҳташам Регистон майдонида бўлиб ўтган халқаро фестивалнинг тантанали очилиш маросимида Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур анжуманнинг аҳамияти ҳақида гапириб шундай деди: “Фестиваль ўнлаб машҳур хонанда ва созандалар, ноёб ёш истеъдодларни кашф қилди, уларнинг парвозига қанот, куч ва илҳом бағишлади. Энг муҳими, ушбу анжуман турли цивилизациялар, халқлар ва миллатлар ўртасида ўзига хос маданий ҳамкорлик ҳамда мулоқот майдонига айланди...

Мана шу юксак саҳнага — кўркам ва муҳташам Регистон майдонига қадам қўйган ҳар бир санъаткор, миллати, тили ва динидан қатъи назар, башарият фарзанди сифатида дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди”.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур фестивалнинг ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказиб келинаётганига тўхталар экан, ушбу ташкилотнинг Бош директори Одри Азуле хонимга юртимизга ташриф буюриб, анжуманга алоҳида файз ва кўтаринки руҳ бағишлагани учун самимий миннатдорлик билдирди.

5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш, миллий ғояни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ёркин истеъдоди ва серқирра ижоди, илмий-инновацион фаолияти, самарали хизматлари, ёш авлодни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар билан тақдирлансин:*

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ"

**Турсунназаров Йигитали** – Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙИ"

**Турдиева Кавсар Шералиевна** – Тошкент педиатрия-тиббиёт институти ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедраси мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ"

**Алимова Халида Рауфовна** – Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

**Исмаилов Зуннур Турсунович** – М.М.Федорович номидаги клиник санаторияси раҳбари, Тошкент шаҳри

**Ким Виталий Яковлевич** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали 1-жонлантириш бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ"

**Зиёев Урал Абулқосимович** – Оқдарё тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактаби юнон-рум кураши бўйича катта мураббийи, Самарқанд вилояти

**Мирзаев Абдирашид** – Чироқчи туманидаги "Абдирашид полвон Мирзаев" кураш клуби тренери, Қашқадарё вилояти

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ"

**Радзивил Светлана Михайловна** – Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

*Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ривожлантиришдаги хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиёти, тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги кўп йиллик самарали иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

**Юлдашев Бахадир** – "Дийдор" театр-студияси бадиий раҳбари

### "ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

**Ёрматов Шермат** – Ўзбекистон давлат филармонияси "Булбулча" болалар хор ва рақс жамоаси бадиий раҳбари

**Исмаилов Хашимжон** – Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли бадиий раҳбари

**Каримова Сураё Убайдуллаевна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Рафиков Абзал Азимович** – Ўзбекистон давлат академик рус драма театри актёри

**Сияев Сагдулла** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Тухтабаев Худайберди** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Юсупова Нортожи Чонаевна** – Наманган шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактаби директори, Наманган вилояти

### "МЕҲНАТ ШУҲРАТИ" ОРДЕНИ БИЛАН

**Адилов Юсуфжон Бакиевич** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста

**Алимов Шавкат Арифджанович** – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорининг илмий консультанти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги

**Анарбаев Абдулхамиджон** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институтининг Тошкент бўлими бошлиғи

**Бабаджанова Гульджахан Саттаровна** – Тошкент тиббиёт академияси акушерлик ва гинекология кафедраси мудири

**Бадалбаев Салимджан Сабирджанович** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, хаттот

**Байтаев Ғиёс Ахмадкулович** – Ўзбекистон давлат филармониясининг "Наврўз" ашула ва рақс ансамбли олий тоифали хонандаси

**Бегматов Саибжон Махмудович** – Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори, мақомшунос

**Буриев Аманулла** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим бошлиғи

**Дустмурадов Бекназар** – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти миллий қўшиқчилик кафедраси мудири, доцент

**Жалилова Клара Алимадатовна** – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

**Закиров Бахтиёр Сабиржанович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти директори

**Ибрагимбекова Гулчехра** – Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Ибрагимов Абдинаби Бегимкулович** – Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли хонандаси

**Иосис Игорь Зиновьевич** – Ўзбекистон давлат филармонияси овоз режиссёри

**Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна** – Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси профессори

**Каланов Аслиддин Джураевич** – Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти миниатюра ва китоб графикаси кафедраси доценти

**Мадрахимова Гулмира Улмасжановна** – Ўзбекистон давлат филармонияси "Навбаҳор" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

**Матякубова Гавхар** – Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти бўлинмаси саҳналаштирувчи балетмейстери

**Назарханова Севара Анваржановна** – "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси

**Нишанов Хатам** – Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

**Поянов Абдиназар** – Қизириқ туманидаги "Қўнғирот" фольклор-этнографик халқ дастаси бадиий раҳбари, бахши, Сурхондарё вилояти

**Пулатова Наима Кудратовна** – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри олий тоифали солист-вокалисти

**Суюнова Замира Ражабовна** – Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий хонандалик кафедраси доценти

**Тожибаев Комил Шаробитдинович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти директори

**Тўйчиев Исломали Райимович** – Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмасининг 17-қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Андижон вилояти

**Тўйчиев Ялкин Эркинбоевич** – "Ўзбекфильм" давлат унитар корхонаси режиссёри

**Умирзаков Балтоходжа Ерматович** – Тошкент давлат техника университети умумий физика кафедраси профессори

**Файзуллаев Хикматулла Рашидович** – Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг рассомлик бўлими ўқитувчиси

**Хакимов Садулла** – Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

**Хидиров Ирсали** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти бош илмий ходими

**Шамсутдинов Рустамбек Темирович** – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори, Андижон вилояти

**Юсупов Иброхимжон Юнусович** – Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори

**Юсупов Шукурулла** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

### I ДАРАЖАЛИ "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

**Исмаилова Тохира Абдусамадовна** – Янгийўл туманидаги "Кичкинтой" болалар уйи бош шифокори, Тошкент вилояти

### II ДАРАЖАЛИ "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН

**Ахмедова Марям Халилаевна** – Амударё тумани ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бозоров Наим Назарович** – Пешку тумани тиббиёт бирлашмасининг "Боқимиришкор" қишлоқ врачлик пункти мудири, Бухоро вилояти

**Ибрагимова Зухра Аметовна** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Қорақалпоғистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Мирсолиева Мукаддас Камоловна** – Бўка тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси мудири, Тошкент вилояти

**Нишанбекова Шахида Машраббековна** – Данғара туманидаги "Abu Bakr ar-Roziy med servis" хусусий клиникаси бош шифокори, Фарғона вилояти

**Тураев Бахтиёр** – Қашқадарё вилояти кўз касалликлари шифохонаси микрохирургия бўлими шифокори

**Усманов Агзамжон Наябжанович** – Олмазор туманидаги "New Life Medical" хусусий клиникаси ядро тиббиёт маркази раҳбари, Тошкент шаҳри

**Чупрова Валентина Александровна** – Республика қон қуйиш маркази директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

### "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллабеков Кахарбай Насирбекович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти лаборатория мудири

**Абдуллаева Гулджан Джумашовна** – Ибройим Юсупов номидаги қорақалпоқ тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Абдуллаева Камола Жахангировна** – В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг торли чолғулар бўлими виолончель синфи ўқитувчиси

**Абдуллаева Мухаббат Ходжиалимовна** – Ўзбекистон давлат драма театри олий тоифали актёри

**Аблакулов Ўктам Ўлмасович** – "Polaris Technologies" масъулияти чекланган жамияти директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Акбарова Гулнора Илясовна** – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг бадиий экспертиза бошқармаси бош санъатшунос-эксперти

**Аллаев Кахраман Рахимович** – Тошкент давлат техника университети электр станциялари, тармоқлари ва тизимлари кафедраси профессори

**Алниязов Айтмурат Исмаилович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Қорақалпоқ гуманитар фанлари илмий-тадқиқот институти директори

**Байжанов Аллаберган Кадирович** – Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори

**Бегимов Мурат Полатович** – Қорақалпоқ давлат қўғирчоқ театри бош режиссёри

**Бекмурадов Мансур Бобомурадович** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бошқарув социологияси ва психологияси кафедраси мудири

**Болоболов Владимир Владимирович** – Фарғона вилояти 3-сил касалликларига қарши курашиш диспансери даволаш бўлими мудири

**Бузина Ольга Николаевна** – Самарқанд вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази директори ўринбосари

**Бурмич Ольга Александровна** – Фарғона вилояти рус драма театри олий тоифали актёри

**Васильева Ирина Анатольевна** – Спорт яккакурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби қиличбозлик бўлими мураббийи

**Вахабова Фируза Наримановна** – Яккасарой туманидаги "Лидер болалар мактаби" нодавлат таълим муассасаси директори, Тошкент шаҳри

**Голендер Борис Анатольевич** – Тошкент шаҳридаги Сергей Есенин музейи илмий ходими

**Ешанова Тамара Кошановна** – Қорақалпоғистон Республикаси ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази ҳамшираси

**Жамолдинов Акмалжон Зайлобиддинович** – Тошкент шаҳар "Туркистон" саройи бош рассоми

**Кабинов Истам Ашурович** – Когон шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бокс спорт тури тренери, Бухоро вилояти

**Кадирова Барно Азимовна** – "Ўзбекфильм" давлат унитар корхонаси актёри

**Кахаров Эркин Олимович** – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби бўғинидаги хореография коллежи ўқитувчиси

**Курбанова Диларам Султановна** – Мирзаобод тумани тиббиёт бирлашмасининг "Оқолтин" қишлоқ врачлик пункти мудири, Сирдарё вилояти

**Мадиев Жуманазар Ҳайдарович** – Қизириқ тумани тиббиёт бирлашмасининг "Хўжаипок" қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори, Сурхондарё вилояти

**Молокова Людмила Ивановна** – Тошкент шаҳридаги "Вега Мед Хаус" хусусий клиникаси гастроэнтеролог шифокори

**Мухамедова Угулой Низомовна** – Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг хореография кафедраси ўқитувчиси

**Нагашибаева Камаш Нагашибаевна** – Томди тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, Навоий вилояти

**Наризова Иба Кушжановна** – Конимех туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

**Норматов Илхом Нурматович** – Жиззах вилояти мусиқали драма театри бош режиссёри

**Отениязов Жуманияз Палуанович** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Қорақалпоғистон Республикаси

**Пирназарова Айгул** – Нукус шаҳридаги И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи катта илмий ходими, Қорақалпоғистон Республикаси

**Рахимджанова Илмира Рискалиевна** – "Ўзбекфильм" давлат унитар корхонаси актёри

**Рахимов Каххор Абдиевич** – Деҳқонобод туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, бахши, Қашқадарё вилояти

**Режаметова Фотима Туганбаевна** – Ўзбекистон давлат ёшлар театри актёри

**Сабиров Ағабай Каримович** – Ўзбекистон давлат филармониясининг "Лазги" ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

**Сабирова Умида Пулатовна** – Урганч шаҳридаги "Ниҳол" нодавлат таълим муассасаси директори, Хоразм вилояти

**Тухтаев Мурод Бакиджанович** – Тошкент шаҳар хўжалик ҳисобидаги эшитиш ва нутқни тиклаш ҳамда овоз реабилитацияси маркази шифокор отолариңгологи

**Фозилов Жўра Ваҳобович** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Бухоро вилояти

**Халмурзаев Ташмурза** – шарқшунос олим, Тошкент шаҳри

**Халмурзаева Атиргул Исаковна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти ҳузуридаги Тошкент ботаника боғи мутахассиси

**Хожабергенов Дарибай Айтбаевич** – Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри вокал артисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Худояров Солижон Азимович** – Фарғона вилояти спорт яккакурашига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби таэквондо бўлими ўқитувчиси

**Ҳикматова Холида Нусратовна** – Бухоро шаҳридаги 9-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори, Бухоро вилояти

**Шамсутдинов Рустам Динамович** – оммавий байрам тадбирлари режиссёри, Тошкент шаҳри

**Шарапова Гулбахор Исомовна** – "Ғиждувон диагностика маскани" хусусий клиникаси директори, Бухоро вилояти

**Шубин Вячеслав Егорович** – сув спорти турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўлими тренери, Тошкент шаҳри

**Эшонкулов Жоппор Салиевич** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи директори

**Юлдашев Алишер Хаитович** – Хоразм вилояти мусиқали драма театри саҳналаштирувчи режиссёри

**Юсупова Огулнабат** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри оркестри артисти

*Мамлакатимизда ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### "ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаева Дилноз Кенгешбаевна** – Қўнғирот туманидаги "Wunderkind in Kungrad" нодавлат мактабгача таълим муассасаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Алимахсумов Камолиддин Мохирович** – Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли биринчи тоифали хонандаси

**Бабаева Ойнисо Амбияевна** – Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри биринчи тоифали вокал артисти

**Базарбаев Полат Жолдасбаевич** – Нукус шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг каратэ спорт тури бўйича ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Байматов Сирожиддин Гиясович** – Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, ганч ўймакори

**Бокиев Жамолхон Тургунпулатович** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Наманган вилояти бўлими раҳбари

**Джаббарова Гулистон Музапаровна** – Самарқанд вилояти мусиқали драма театри олий тоифали вокал артисти

**Джураев Бахтияр Мамадаминович** – Сурхондарё вилояти силга қарши курашиш диспансери бош шифокори

**Есемуратов Бахтияр Сагидуллаевич** – Ўзбекистон давлат филармониясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси директори, жиров

**Закиров Шухрат Рихсиваевич** – Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, бастакор

**Зарипов Бунёдбек Давронбек ўғли** – Тошкент Турин политехника университетининг дастурий таъминот йўналиши талабаси

**Ибрагимов Умид Сайфуллаевич** – Жиззах вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси директори

**Исмаилова Саида Хусановна** – Ўзбекистон давлат филармониясининг Миллий симфоник оркестри олий тоифали артисти

**Кенжаев Бобир Қандиёрович** – Ўзбек миллий мақом санъати маркази Юнус Ражабий номидаги "Мақом" ансамбли олий тоифали хонандаси

**Қурбонов Абдукарим Қаюмович** – Сурхондарё вилояти кўзи ожизлар кутубхонасининг Шеробод тумани филиали мудири

**Лутфуллаева Муборак Бахруллаевна** – Ўзбекистон давлат филармонияси "Ёш истеъдодлар" камер оркестри бадиий раҳбари

**Максудов Фарход Алижонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институти директори

**Менглиев Абдижалол Тоштемирович** – Термиз шаҳридаги "Ўтан полвон" хусусий диагностика ва даволаш маркази раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Муродов Шарофиддин Тожиддинович** – Ўзбекистон давлат филармонияси Ўзбек миллий мумтоз ашула ансамбли хонандаси

**Мухамедова Азиза Нурмахматовна** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Маматова Ширин Мамаджановна** – "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси хонандаси

**Мухитдинова Насиба Ахмадкуловна** – Жиззах вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг Ҳамид Олимжон ва Зулфия филиали катта илмий ходими

**Норкузиев Мурод Мадаминович** – Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи анъанавий ижрочилик бўлими ўқитувчиси

**Оринбаева Улбосин Адилбаевна** – Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси "Мухаллес" дуторчилар ансамбли бахши-созандаси

**Рахманова Хожибиби Раимбергановна** – Хонқа тумани тиббиёт бирлашмасининг "Ал-Хоразмий" қишлоқ врачлик пункти мудири, Хоразм вилояти

**Рахмонов Шерали Мамажонович** – Фарғона вилояти маданият бошқармаси қошидаги мақом ансамбли хонандаси

**Ризаева Гулнора Шоназаровна** – Каттақўрғон шаҳар драма театри актёри, Самарқанд вилояти

**Рустамов Батир Назарович** – Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилояти бўлими саҳналаштирувчи балетмейстери

**Рўзматов Олимжон Алижонович** – Шаҳрисабз шаҳридаги "Оила ва никоҳ диагностика маркази" хусусий клиникаси бош шифокори, Қашқадарё вилояти

**Саидов Акмал Бахтиёрович** – "Ўзбекфильм" давлат унитар корхонаси олий тоифали постановкачи рассоми

**Саидов Бунёд Юсупович** – "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси Хоразм вилояти бўлими хонандаси

**Салимов Саибджан Норович** – Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, ганчкор-наққош

**Самаров Хонкул Қаххорович** – Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасарруфидаги Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси мудири

**Султонов Дилмурод Ўктамбоевич** – "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси Хоразм вилояти бўлими хонандаси

**Тобиас Сергей Владимирович** – Юнусобод туманидаги "Лор плюс сервис" хусусий клиникаси отоларинголог шифокори, Тошкент шаҳри

**Тожибаева Мукаддас Холдаровна** – Поп туманидаги "Мурувват" ногиронлар интернат уйи ҳамшираси, Наманган вилояти

**Тураев Акмал Ботирович** – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри бош дирижёри

**Турдиева Рохат Юлдашевна** – Мирobod туманидаги 2-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори, Тошкент шаҳри

**Тўхтамуродов Беҳзод Тоир ўғли** – Тошкент давлат техника университети механика факультети технологик машина ва жиҳозлар кафедраси магистранти

**Убайдуллаев Фуркат Хамидуллаевич** – Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи камонли-торли чолғулар бўлими ўқитувчиси

**Фозилов Хуршид Ғайратович** – Республика ихтисослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали директори, Қашқадарё вилояти

**Фурман Михаил Эвалдович** – Олмалиқ шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, Тошкент вилояти

**Шодманкулов Уктам Маматкулович** – Республика "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси, ҳунарманд, Сирдарё вилояти

**Шодманов Умид Хамидуллаевич** – Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актёри

**Шамуротова Моҳичеҳра Абдинабиевна** – Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий хонандалик кафедраси ўқитувчиси

**Эркинов Музаффархон Эркин ўғли** – "Ҳужжатли фильмлар киностудияси" давлат унитар корхонаси кинорежиссёри, Тошкент шаҳри

**Эшбоев Махаммад Темиралиевич** – Термиз шаҳридаги 22-болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактаби ўқитувчиси, бахши, Сурхондарё вилояти

**Юнусова Нигорахон Юсупжоновна** – Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиётини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати тарих фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Юсупов Абдулазиз Якубжонович** – Андижон тумани маданият марказининг бадиий раҳбари, Андижон вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 28 август*

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА

# ШУКРОНАЛИК ЗАМОНИ БУ

## *Адиблар боғида*

Хиёбон йўлидан бораман аста,
Бекасам арчалар ҳавоси – роҳат.
Хонатлас чаманзор тутар гулдаста,
Райҳонлар ифорин севаман беҳад.

Сокин ҳайкалларга тушди назарим,
Вужудни титратар уйғонган илҳом.
Мен кўрган, мен билган буюк инсонлар –
Ижод дарғалари, дейман: “Ассалом!”

Ана Ойбек домла, аллома устоз,
Пойига бош эгиб қўйдим гулшода.
Ҳазрат “Навоий”ни эсладим бироз,
“Олтин водий”лардан эсди шаббода...

Нарида кўринди Абдулла Қаҳҳор,
Қувноқ табуссуми чорлади яна.
Менинг жавонимда китоблар қатор –
Ёдга тушар “Синчалак”, “Шоҳи сўзана”.

Наздимда тирикдай Зулфияхоним
Сиймолари гўзал бизнинг Онахон.
“Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...”
Эзгу ният билан боқади ҳамон...

Бунда Саидахоним, Саид Аҳмад бор,
Бир қозонда қайнаган икки ижодкор.
Садоқатда бўлурми шунчалар ҳай-ҳай,
Қулоғим остида янграр таниш най.

Салом Эркин Воҳид, Абдулла Ориф,
Замондош дўстларим, дилкаш йўлдошлар,
Ҳар кун “Мадҳия”ни юракдан айта,
“Муҳаббат девони”н ёд этиб қайта,
Бугун изингиздан бормоқда ёшлар...

Хиёбон боғидан чиқаман жим-жим...
Буюклар шаънига мен қилиб таъзим.

## *Тирик тарих*

Ёшим саксон, ёшим тўқсон,
Ёшим юзда десалар...
Ҳам ишонинг, ҳам ишонманг,
Бизнинг момо кексалар.

Ўтмишлари тирик тарих,
Эслашар ҳали-ҳали...
Бугун порлар кўксиларда,
Юртнинг “Шуҳрат” медали.



Ғайратлари тошар бирдан
Бўлиб она, қайнона.
Бувижонлар атрофида,
Меҳрибонлар парвона.

Невараю чеваралар,
Бари азиз, арзанда.
Олтмишвойни уриб қўйган
Энг кенжатой фарзанди.

Шукроналик замони бу,
Кундан-кунга юксалар.
Узоқ яшаш – даврондир бу,
Бизнинг момо кексалар.

## *Онажон*

Онажоним, онажон
Юзлашган нур юзлигим.
Соф қалбим осмонида,
Сўнмас Зуҳро юлдузим.

Мен борманки, сиз борсиз,
Қўллаб турар руҳингиз,
Ҳаётим ширин кўриб,
Шодланасиз ўзингиз.

Жаннат гулларин атаб
Дуо қилар қизингиз.
Қулоғимга шивирлар,
Оқила сўзларингиз.

Фариштадек келасиз
Мен бор учун, сиз ҳам бор.
У дунё саодати
Сизга бўлсин мангу ёр.

## *Дафтарда қолган сатрлар*

Ўзбек қўли доим кўксида,
“Ассалом”да, “Хайр-хўш”да ҳам.
Иззатда ҳам, “ошда”, ҳам ишда,
Чунки унинг юрак остида,
Қуёш янглиғ меҳр мужассам.

* * *

Жаҳон тили эмас муаммо,
Тилмочларсиз билдик бир-бирин.
Тил ила эл ўргандик, аммо
Ўзбек тилим баридан ширин.

“Салом” деса хорижлик ўртоқ,
Ғурур билан яйрайди дилим.
Барча тиллар жозиба, бироқ
Ўзбек тилим энг гўзал тилим.

* * *

Буюк ишонч,
Бунчалар тоғинг баланд,
Этагингда қолиб кетди-ку Эльбрус.
Умрим бўйи интилдим ишонч билан,
Етолмадим, етмоқ истайман ҳануз...

* * *

Дўстларим кўп – софдил, содиқ, меҳрибон,
Яхши-ёмон кунларимда ҳамнафас.
Лек ашаддий душманим ҳам йўқ эмас,
У – гуноҳдан туғилган ёвуз ёлғон!

* * *

Мевали дарахтга тош отар, дерлар,
Палаги тоза шох синмас, чўнг бардош.
Тер тўкиб экканлар ҳосилин терар,
Отганлар бошига қайтиб тушар тош...

* * *

Гуллар ичра гул бўлдим,
У гулни узолмайсиз.
Илдизи ғоят теран,
Ишқ боғин бузолмайсиз...

* * *

Ростгўйлар рости билан
Ростланди қаддим.
Тақдирда бор экан
Ардоқли қадрим.

Абдували ҚУТБИДДИН

# БИЗ БИРГАМИЗ, БИЗ – ҲАММАМИЗ...



Олисларда қўнғироғин чалар карвон,
Юки оғир, йўли оғир, ларзон-ларзон,
Чақмоқларин чақиб ўтар қора осмон,
Кўкрагига муштлар урар марди майдон —
Эр йигитлар,
Шер сингиллар, қилич-қалқон.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Қоя чўкар, Алпомишнинг наърасидан,
Сойлар сакрар адирларнинг орасидан,
Қарға қўнмас Барчинларнинг тиззасига,
Ҳаёт суви мангу она кўзасида.
Эр йигитлар,
Шер сингиллар шевасида:
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Куйдиргани зулмат билан юрди қанча
Болта ўйнаб от устида янчиб-янча,
Сув тубидан ўтлар чиқди кўк қошига.
Эр йигитлар,
Шер сингиллар кўз-қошидан
Ўқлар сачрар, ёйлар сачрар ёв бошига.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.
Дунё ухлар, кун мудрарди ҳисоб билмай,
Ўтди давру давронлари китоб билмай,
Хоразмда саноқ чертди аждодларим,
Руҳ ва қалбга сабоқ берди устодларим.
Илми урфон
номи Турон,
Эр йигитлар,
Шер сингиллар
Қаздилар кон.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Бизлар киммиз, туркийларнинг аслиданмиз,
Соҳибқирон Амир Темур наслиданмиз,
Кубро ҳам биз, Баҳоуддин Нақшбандмиз,
Марғиноний, қадим тарих — Самарқандмиз.
Гар Насафда нафас олса эр йигитлар,
Андижонда кашта тикса шер сингиллар,
Нафасидан ҳатто қишлар исиб кетар,
Каштасига бутун олам сиғиб кетар.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Юртнинг усти Устюртмиди, шамол — шоқол,
Ув дедими, туз қўзғалар — бирваракай.
Нукус — қалъам, ҳам юракда тенгсиз лолам,
Эй, онажон Бердаққа айт,
Қалбидир най.
Эр йигитлар, шер сингиллар,
Ашъор тинглaнг.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Ўзим шоҳид Мотуридийнинг хобгоҳида,
Мусичалар учиб келар тиловатга.
Бухорийнинг ҳар эрталаб даргоҳига
Кабутарлар бошин эгар ҳаловатдан.
Бу қай ошён,
Гўзал имон — паноҳида,
Эр йигитлар, шер сингиллар —
Нигоҳида —
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Азим Тошкент қад ростлади паҳлавондай,
Тожу тахтим кўз-кўз қилиб бу жаҳонга,
Туғромизни тумор айлаб эшик очди,
Ер юзига буюкликдан сўзлар сочди,
Подшо шаҳрим,
Гард юқмасин жамолингга,
Эр йигитлар,
Шер сингиллар саф тортишар,
Озодликнинг майдонида
Аҳд айлашар.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Олтин водий ҳалқасида уч гавҳарим,
Сирдарёда сир бермаган моҳпайкарим,
Бахмалини тўшаб қўйган Жиззахни кўр,
Какликлардан Зомин ҳақда қўшиқлар сўр,
Эр йигитлар,
Шер сингиллар,
Бўлинглар жўр:
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Дуру маржон, боғу бўстон, Ўзбекистон,
Кўзим нури мусаффо тонг, Ўзбекистон,
Сажда этдим дуо сўраб, бобо юртим,
Ҳар лаҳзада ризо сўраб, момо юртим,
Эр йигитлар, шер сингиллар,
Қўл кўтарди,
Она, инон,
Ота, инон.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан...

Нурилла ЧОРИЕВ

# ЯХШИЛИК ҚАДРИ

*Халқимизнинг севимли шоири Усмон Азимнинг “Дашт ҳақида баллада”сини биринчи марта қачон ўқиганимни эслай олмайман. Бироқ шуниси аёнки, балладани ўқиганимдаёқ “ўзимники” бўлиб қолган. Йўқ-йўқ — мен шу балладанинг асирига айланганман, десам тўғри бўлади. Шеърдаги дарднинг самимийлигини пафоснинг умумийлиги билан боғлаб тушунишга ҳаракат қилганман. Аммо у барибир баландроқ, виқорлироқ келаверади. Ва бўғзини куйдириб тилга отилиб чиқади: Тоғлар кичрайди. Пасайди осмон. Яшаб бўлмайди-ку, ахир энгашиб...*



### ҚУВ ОҒОЧГА ТИЛ БИТДИ

Талабаликнинг илк йили эди. Янги йил арафасида қишлоққа борганимда бобом билан қилган гурунгим ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Бобони кўргани бордим. Момом қарши олди:

– Бова, Ортиқнинг ули кепти, – деди.

Ё Худо, мен шу чол-кампирнинг набирасиман. Улар бўлса, аввал отамнинг исмини айтиб, сўнг менга ўтади.

– Кел, – деб сандалнинг бир кунжагидан жой кўрсатди бобом. — Ҳа, кўринмай кетдинг, қаерда юрибсан?

– Ўқияпман, бова.

– Қаерда, Ташкандами?

– Ҳа, Тошкентда...

– Ҳосилот бўласанми?

– Йўқ.

– Мудир бўласанми?

– Йўқ.

– Бўлмаса, Ташканда нима қиляпсан?

– Филологияда ўқияпман.

– У нимаси?

Олифта талаба жўнгина қилиб, филолог – ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлади, деб айтгиси келмайди.

– Филологияда кўп шоирлар ўқиган – дедим.

– Ҳа, шоирларнинг ҳам мактаби бормикан?! Ҳали шеър ҳам ёзасанми?

– Йўқ.

– Унда, ҳосилотликками, мудирликками ўқийвермабсан-да...

Гурунгимиз шу куйи бораётганида радиодан халқ бахшиси: “Мулла тўрғай тонг-саҳарда сайрайди, Энажон, вай эна, эна-яй...”, деб бўзлаб қолди. Бобом кўзини чирт юмиб, ўнг қўлини ҳаволантирди. Момом югуриб бориб, ярим кулоч қув оғоч – дўмбира тутқазди. Шомурод Тоғаев: “Билмаганим, билдирдинг, Поездларга миндирдинг...”, деб давом этди. Бобомнинг қўлидаги қув оғочга тил битди – кенг далалардан кўкка каптарлар гуркираб учди; даралардан дупурлаб тулпорлар чопди...

### СЎЗ ТИМШАНГАН КЕЧАЛАР

Кўплаб тенг-тўшлар талабаликни ортда қолдириб, таҳририятларда иш бошладик. Ўй-ташвиши – адабиёт, санъат, тарих... Тўртта “дадарвоқи” йиғилса, юрт тақдири, унинг эртанги куни, миллатнинг тутумлари, улуғ аждодларнинг жасорати, замондошлар образининг бадиий ифодаси ҳақида баҳс қилади – фалсафа сўқиб тонг оттиради. Бироқ ҳаммасининг чўнтагида шамол ўйнайди.

Аммо бундай суҳбатлар талабалар шаҳарчасида ё бўлғуси олимлар ётоқхоналарида эмас, шаҳарнинг энг чеккасидаги ижара уйларда бўлади, тонггача сўз тамшанамиз. Улуғларнинг ёзганидан латифа тўқиб, бир-биримизга “сен қачон гуллайсан” деб орамиздан прозаик излаймиз. Қани у топила қолса, биров-бировимизга: “Эй, “Маймун етаклаган одам”, “Анойининг жайдари олмаси”, “Бир тойчоқнинг хуни” бўлдими? – десак, бошқаси – “Онамнинг юрти”да “Қишда бодом гуллади”, “Как-ку”, дейди. Ана шу замонларда ёлғиз бош ҳар ёриққа сиғарди. Улғайиш фаслида елкадошлар гарданига олахуржун тушди, биров олдин, биров кетин рўзғорли бўлди. Бирдан мунғайиб қолдик, десам асло муболаға бўлмас.

Сабаби оддий эди: ким оилали бўлса, ижарага уй олади. Энди у ёлғиз бош эмас, унга ишониб, кўнгил бериб, измига кирган аёли – бўлғуси оналар бор. Излаган имкон топар экан, ижодкор дўстларимиз бунинг уддасидан чиқишди. Айрим ёш оилалар кўплашиб битта ижара уй олиб яшашди. Бири Қаршидан келган, иккинчиси Жиззахдан.

Кўнглини қачон адабиётга бой бериб қўйганини билмаган “дадарвоқи”лар кечалари Чамбил юртида Гўрўғли султон ҳукмронлигида Аҳмад сардорнинг ўзидан кетганидан баҳс қилишар, келинлар хоразмча чой дамласа, дастурхонга фарғонача ош тортиларди. Бундай масканлар катта шаҳарнинг гавжум хонадонлари қаторига кириб, ижара уйларда қатор-қатор фарзандлар дунёга келди.

Дунёга жар солиб, яқинларига қувонч улашиб туғилган болалар гўё томоқ кириб йўталишдан чўчийдигандек, ота-оналари шу юрт, шу тупроқ деса ўпкаси тўлиб нафас олишса-да, катта шаҳарнинг кичик дафтарларига номи қайд этилмаганини – пропискасизлигини улар ҳам сезадигандек туюларди.

Ана шудай кунларнинг бирида ёзувчи дўстимизни бир ойда уч бора, яна бирини бир ҳафтада икки бора шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасига, бу чеккасидан нариги чеккасига кўчирдик. Яна бирининг кўч-кўрони юк машинасида қолгани эсдан чиқмайдиган бўлганди.

### БИР ВОҚЕА

Ёзувчи ошнамиз ижара уйини алмашлайдиган бўлиб, роса ўн-ўн беш кун уй излади, топди. Маъқул келганки, кўчиб ўтадиган бўлиб, кўрон кўтаришга яна “дадарвоқи”ларни чақирган. Улар бўлса: “Хизмат кўрсатган кўчирувчи” деб ҳазил қилишади. Ижодкор учун бу жуда аччиқ гап. Юк баҳонасида айтилган нисба-да, аслида улуғлардан матн кўчирасан, матн кўчирмасанг, мазмун кўчирасан, мазмун кўчирмасанг руҳни кўчирасан – барибир кўчирасан, деган иддао ҳам йўқ эмасди-да!

Хуллас, кўчирувчилар бир ёш рўзғорни машинага юклаб манзилга борсак, биздан илдамроқ бошқа биров келиб жойлашиб олибди...

ФАХР

### БОШДАН ЎТГАНИ

Шаҳарнинг чеккасидаги маҳаллаларнинг бирида катта оила яшайдиган хонадоннинг болохонасида эр-хотин яшаймиз. Аёлим юкли, ўзим газетада ишлайман. Ҳафтада икки марта чиқадиган нашрнинг кунда-шундаги навбатчисиман. Тун ярмида болохонага кириб бораман. Бу манзилга келганимга эндигина икки ҳафталар бўлган чоғи, нимадир керак бўлиб, маҳалла дўконига чиқдим. Дўкондор қизиқсиниб сўраб қолди: “– Ука, қаерда турасиз? – Ён кўчадаги иккинчи кўк дарвозали уйда. – ....... опоқиникидами? – Ҳа. – У жойни ким тавсия қилди? – Ҳеч ким, маҳаллага келиб ижарага қўядиганлар борми, деб сўраб юргандим. Тўғри келиб қолди”.

Дўкондор бошини менга томон чўзиб аста шивирлади: “Ўғилларини биласизми. Яқинда... чиқди”.

Ҳайрон бўлиб сўрайман:

“Қаердан чиқди?”

“Игнага ўтириб қоган-де...”

Бошимдан муздай сув қуйилгандек бўлди. Ҳар ким ўз эҳтиётини қилгани яхши. Нима қилишга ҳайронман. Кўчишдан бошқа чора йўқ. Завжамизга дардимни ёролмайман. Кечалари типратиканнинг устида ётгандай ётаман. Кўзга уйқу келмайди. Қиш эшик қоқиб турибди, аммо яна кўчиш керак...

### ЯНГИ КУН

Илм-фан, адабиёт, санъат ва матбуот билан эртанги куни, ҳаёти ва тақдирини боғлиқ тасаввур қилган кўплаб йигит-қизлар одатда унча-мунча муаммоларни писанд этмайди. Бу ҳолат кимларнингдир нигоҳида ачиниш, кимнингдир мийиғида кулги уйғотса-да, улар мағрур ва ўктам одимлайверади. Негаки, мулойим ва жасоратли, оққўнгил ва танти, ёруғ ниятли ва орзуманд шу халқни яхши кўради.

Буни яхши билган Юрт эгаси – Президент Шавкат Мирзиёев фаолиятининг дастлабки кунларида мамлакатдаги муҳим масалалар қаторида илм-фан, адабиёт, санъат аҳлининг ижтимоий муаммоларини енгиллатиш, фаолиятни ислоҳ қилиш, вазифаларининг самарадорлигини ошириш учун бир неча қарорлар, фармонлар қабул қилди. Бунгача академиклар, ёшлар, ижодкор-зиёлилар билан суҳбатлашди. Пойтахтимизда кўп қаватли уйлар қуриш ишларига киришилган кезлардан буён зиёлиларни ватанли қилиш режасини такрор-такрор айтиб келяпти.

Айни шу юмушларнинг амалдаги ифодасига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан илмий изланишлар олиб бораётган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан адабиётга кириб келаётган кўплаб тенгдошларим уй-жойли бўляпти. Бугун уларнинг қувончи чексиз. **Ёш ижодкорлар – ёзувчи Санжар Турсунов, шоирлар Носир Жўраев, Аҳтамқули, таржимон Алишер Отабоев оилалари билан янги уйларга кўчиб ўтишганида ўзларининг ҳам, оила аъзолари, ота-оналарининг ҳам бошлари осмонга етгудек хурсанд бўлишгани шундоқ кўз ўнгимда турибди. Улар қаторида мен ҳам Ватанда ватанли бўлдим.**

Шундан кейин яна бир қатор ёшларга янги қурилган уйлардан квартиралар берилди. Давлатимиз раҳбарининг бундай эзгу ишлари, айниқса, ёш ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрликларга адабиётимизда воқеа бўладиган асарлар яратиб жавоб бериш энди бизнинг зиммамиздаги шарафли бурч.

### ЯШАСИН ЁМҒИРЛАР!

Янги уйга кўчиб келяпмиз. Йўлда ўғлим савол бериб қолди:

– Ота, энди кўчмаймизми?

Мендан аввал кўзлари порлаб аёлим жавоб берди:

– Болам, биз ҳам уйли бўлдик. Энди кўчмаймиз.

Эртаси куни отам келди. Кутиб олдим, белбоғига тугиб юрган пенсиясига совға-саломлар олибди. У кишининг ортидан уйга киряпман. Елкалари титрайди. Бобосига пешвоз чиққан набиралари отамнинг бағрига ўзларини отишди.

– Бобо, йиғлаяпсизми?

– Йўқ. Ташқарида ёмғир ёғяпти...

Мен ҳам ўзимни тутолмайман; лабларимга тиш босиб зўрға турибман. Ич-ичимдан айтаман, такрорлайман: яшасин ёмғирлар – яшасин қувонч ёмғирлари!

Отам қўлини очиб, улуғ кишиларнинг ҳақига узоқ дуо қилди. Сўнгра тайинлади: дуо билан эл кўкарар, ёмғир билан ер. Доимо дуо қилишни канда қилма. Қулоғимга олис-олислардан садолар келади. Бу ўша қув оғочнинг қувноқ нағмалари, дўмбиранинг садолари эди.

Бу оҳангни хўжалик агрономи ва ферма мудирини дунёда энг катта одам деб билган раҳматли бобом чаларди.

Адабиёт қалбимни қачон забт этганини ҳамон билмайман: “Жўнадим баландроқ осмонлар томон …”.

**P.S.:** *Мақолани ёзишга ёздиму хаёлимни Абдулла Ориповнинг “Яхшилик” деб номланган шеърининг сўнгги сатрлари банд этди. Келинг, биргалашиб такрорлаймиз:*

**Менинг назаримда,**
**яхшиликдан ҳам**
**Унинг қадрин билмоқ**
**минг бор яхширoқ.**

# КЕШ УММОНИ ЖАВОҲИРЛАРИ

*Кўҳна Кеш (Шаҳрисабз) – ўзбекнинг зиё уммони. Насаф алломалари билан бир қаторда кўплаб кешлик ижодкорлар, олимлар илм уммонини дуру жавоҳирларга тўлдирганлари бор ҳақиқат. Тарихимизнинг ноёб хазиналари халқимизга баҳоли қудрат етказилаётган бир пайтда қадимий Шаҳрисабзда "Амир Темур мероси ва Кеш алломалари" мавзусида халқаро анжуманнинг ташкил этилгани бежиз эмас. Зеро, бу бетакрор меросни ўрганиш, инсонларни баҳраманд этишнинг аҳамияти ўзгачадир.*

Қайси заминда илм-фан ривожланиб, атрофни нурафшон этган бўлса, ўша заминдан миллатнинг улуғ шахслари етишиб чиққан. Улар халқни фаровонликка бошлаган, миллатни шарафлаб, номини дунёга достон этишган.

Ана шундай шахслардан бири Темурбек, оддий амир фарзандидан буюк Соҳибқирон Амир Темур даражасига етишди. Агар ўша даврда юрт тинч ва осойишта бўлганида бу зот, эхтимол, буюк олим сифатида дунёга бўй кўрсатар эди. Лекин миллат қайғуси уни зулмга қарши отлантирди, у ўсмирлигиданоқ Ватанни ёвлардан озод этишни ўзининг бош мақсади, деб билди. Соҳибқирон буюк Туронни қайта тиклади, Кешни дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириб, бу ерда илм-фаннинг ривожланишига алоҳида аҳамият берди. Бунинг натижаси ўлароқ ушбу заминдан етишиб чиққан алломаларнинг маънавий мероси бугун улкан тарихий аҳамиятга эга, дея эътироф этилмоқда. Мирзо Абдулқодир Бедил, Шайх Шамсиддин Кулол, Мавлоно Хожагий Имканагий каби улуғ алломаларнинг номлари жаҳонга машҳур. Абу Муҳаммад Кешийнинг фиқҳшунослик мактабига асос солгани, бундан ташқари йирик тилшунос, ҳадисшунос ҳам бўлгани манбаларда қайд этилган. Кешлик Хожа Абулбарака ижоди ўзининг теранлиги билан алоҳида эътиборга молик. Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарларида бу олим ва шоир ҳақида анчагина маълумотлар берилган. Хожа Абулбарака султон Ҳусайн Бойқаро давлатининг маъмурий хизматида ҳам бўлгани ҳақида манбаларда қайдлар мавжуд.

"Бобурнома" асарида қизиқ бир воқеа келтириб ўтилган. Хожа Абулбарака бир даврада, ҳатто истеъмол учун ғалласи, кийиш учун уст-боши йўқлиги ҳақидаги арз-ҳоли баён этилган рубоийсини ўқиганда, Бобур Мирзо унга шундай жавоб ёзган:

**Ишлар бори кўнглудағидек бўлғусидир,**
**Инъому вазифа бори буйрулғусидир.**
**Ул ғаллаву муҳмалки деб эрдинг, бердим,**
**Муҳмалға бўю ғалладин уй тўлғусидир.**

Ўша мушоирада қатнашган таниқли шоир Биноий ҳам унга жавоб тариқасида бир рубоий битган. У қуйидагичадир:

**Мирзомки шоҳи баҳру бар бўлғусидир,**
**Оламда ҳунар бирла сар бўлғусидир,**
**Бир муҳмал учун мунча иноят бўлди,**
**Мустаъмал агар десам, нелар бўлғусидир.**

Хожа Абулбарака мушоира қоидаси бузилганини сезиб, шоир Биноийга эътироз тарзида бир рубоий битади:

**Бу жаврки қилди давр сўргулсидир,**
**Султони карам бу узрни қўлғусидир.**
**Тўкулгон агарчи тўлмас, эй соқий,**
**Тўкулгонимиз бу даврда тўлғусидир.**

Бу мушоира XVI аср ўзбек адабий муҳитининг ёрқин намуналаридан бири сифатида эътироф этилган.

Хожа Абубараканинг фарзанди Айюб Шаҳрисабзий ҳам таниқли шоир сифатида тилга олинади. "Музаккири аҳбоб" асарида унинг ижоди ҳақида анчагина маълумотлар қайд этилган. Хусусан, унинг Шаҳрисабз ва сўнгра Самарқандда таълим олгани, бир муддат Ҳирот ва Ироқда истиқомат қилгани, Озарбойжонда Ширвон шоҳнинг надими бўлгани ҳамда Ҳиндистон подшоҳи Ҳумоюн хизматида бўлгани ҳақидаги маълумотларни ўқишимиз мумкин. Унинг шеърияти нафис, ширали ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бир шеърида: "Ёр қонимни тўкдию дил дардидан халос бўлдим, агар табиб ҳозиқ бўлса, касал, албатта, шифо топади", дейди. Бу ёрқин хулоса ҳам унинг катта илм эгаси бўлганини кўрсатади.

XVI асрда яшаган шоирлар Лозимий Кеший, Фарах Шаҳрисабзий, Ҳаким Шаҳрисабзий, унинг шогирди Мир Табиб ижоди ҳам бугун ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Муштоқ Шаҳрисабзийнинг "Мажмуаи ашъор" баёзи Санкт-Петербург кутубхонасида сақланмоқда. Дунёга сочилган бу ноёб хазинани тўплаш ва тадқиқ этиш Ўзбекистоннинг ёш олимлари уюшмаси олдидаги катта вазифа саналади.

1878 йилда туғилган Мирзо Умрбоқий Шаҳрисабзий ижоди ватанпарварлик туйғулари билан тўла. Уни коммунистик партия сафига таклиф этганларида, бош тортган ва шу туфайли Шаҳрисабздан чиқиб кетиб, яширинча умр кечирган.



Абдулла Раҳмон Гулшаний ҳақида "Гулистон" журналида Саъдулла Сиёевнинг "Ҳукуматнинг авлиёси" номли мақоласи эълон қилинган эди. 1998 йилда эса шоирнинг "Алвидо" шеърий тўплами чоп этилган. Унинг "Гулистони Гулшаний" девони ҳамда уч жилддан иборат шеърлар тўплами, муаммо ва достонларини ўз ичига олган мажмуаларини ҳам халқимизга етказадиган пайт келди.

1892 йилда Шаҳрисабзда туғилган Файзуллохожа Равнақий етук шоир бўлиш бирга ҳуснихатда ҳам ягона бўлган. Жумладан, биргина "Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм" калимасини 25 хил шаклда санъаткорона ёзган.

**СИЙМОЛАР**

Кешлик элчилар фаолиятини чуқурроқ ўрганишни бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Зеро, ўзбек дипломатиясининг илдизлари жуда қадимга бориб тақалади, у ҳар томонлама ўрганишга, татбиқ этишга лойиқ тарихга эга. Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур даврида бу соҳа юксак даражага кўтарилган. XV аср жаҳон дипломатиясининг ёрқин вакили Муҳаммад Кешийнинг фаолияти ҳар жиҳатдан эътиборли. У Кастилия қироли Ҳайенрих учинчи ҳамда Франция ва Англия қироллари ҳузурида бўлиб, элчилик ишларини самарали олиб борган. Амир Темурнинг нуфузли элчиларидан яна бири Мавлоно Жалолиддин Кеший мамлакатлар ва ҳукмдорлар орасидаги низоларни бартараф этишда ўзига хос маҳорат эгаси бўлган. Айниқса, унинг Хоразм волийси Ҳусайн Сўфи билан олиб борган музокаралари диққатга сазовор.

Мавлоно Абдуллоҳ Кешийнинг Миср султони Фараж билан олиб борган музокаралари ўз пайтида муҳим аҳамият касб этган. Араб тарихчиси Дўқмоқнинг гувоҳлик беришича, кешлик элчи Миср султони билан юксак даражада музокара олиб борган ва уни сулҳни имзолашга кўндирган, натижада, икки ўртадаги қонли урушга чек қўйилган.

Кешлик моҳир хаттотлар фаолиятини ҳам чуқур ўрганиш фурсати келди.

Анжуманда, шунингдек, Мирзо Юнус Шаҳрисабзий, Иброҳим Девона, Домла Бобобек, Мирзо Абдуваҳҳоб, Имомуддин Шаҳрисабзий, Ёрмуҳаммад қори, Эргаш Кеший, Зиёвуддин Кеший, Муҳаммад Латиф Кеший, Абдумалик Шаҳрисабзий, Раҳматулла Ғизолийи Кеший, Мирзо Абдулқодир Кеший, Муҳаммад Шералибек, Муҳаммад Обид, Абдулғафур Шаҳрисабзий, Муҳаммад Юсуф, Муҳаммад Латиф, Абдулғафур валади Мулло Ҳотам Шаҳрисабзий, Муҳаммад Раҳим Кеший ва бошқа кўплаб истеъдодли хаттотларнинг бетакрор санъатини тадқиқ этиш, дунёга кўз-кўз қилишга арзигулик ноёб мерос ҳақида сўз юритилди.

Шаҳрисабзда ўтган халқаро илмий анжуманда ана шулар ҳақида гапирилди. Қирғизистон Республикасининг Ўш давлат университети тарих факультети декани, тарих фанлари номзоди Сидиқ Смадияров, шоир Жолдосбек Монолдоров, "Ўш садоси" газетаси бош муҳаррири Сабоҳатхон Шокирова, қозоғистонлик Икром Ҳошимжонов, таниқли олимларимиз – тарих фанлар доктори Убайдулло Уватов, Мирсидиқ Исоқов, Поён Равшанов, Абдумажид Мадраимов, Очил Бўриев, Мўмин Азизов, Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди Хуршид Файзиев, "Олтин мерос" халқаро жамоат фонди раиси, таниқли ижодкор Амирқул Карим, Наби Хушвақтов ва бошқа иштирокчиларнинг маърузаларида Насаф ва Кеш заминида яшаб ижод этган зотларнинг улкан маънавий мероси ҳақида холисона фикр юритилди.

Халқаро Амир Темур жамоат фонди ЎзФА Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Шаҳрисабз ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилган халқаро илмий анжуманда "Насаф ва Кеш алломалари маркази"ни тузиш борасидаги таклифлар ҳам айтиб ўтилди.

**Тўлқин ҲАЙИТ,**
**ёзувчи**
*Шаҳрисабз шаҳри*

# "ЗИЁЛИЛАР ДАҲОСИ"НИНГ ПУФАГИ ҚАЧОН ЁРИЛГАН?

*Яқинда ижтимоий тармоқларда ўзини "зиёлилар даҳоси" деб юрган бир ёзувчининг мамлакатдаги ислоҳотларга нисбатан билдирган фикри эътиборимни тортди. Нима эмиш, бизга кўркам шаҳарлар, осмонўпар бинолар керак эмасмиш, бу пуфакмиш, эрта-индин ёрилармиш. Мени ажаблантиргани, чорак аср давомида ўзини чин ватанпарварман, деб кўкрагига уриб юрган одамдан шундай гап чиққани... Машҳур ёзувчилардан бири бундан ўн-ўн беш йил олдин "Ҳозир Ватан, Ватан деяётганларнинг қалбини бир очиб кўринглар, ичида нима борлигини кўрасизлар..." деб бежиз айтмаган экан. Аслида кимнингдир моғор босган қалби пуфак каби ёрилди, чамамда. Нега бундай деганимни изоҳлаб беришга ҳаракат қиламан.*

Умуман олганда, ҳар бир давлатнинг тарихига эътибор қаратсак, турли эврилишлар, бўҳронлар, юксалишларни кузатамиз. Бундай тарихий жараёнлар, албатта, тарихий шахслар билан боғлиқ бўлади. Тараққиёт ва равнақда эса халқнинг бирдамлиги, биродарлиги, бир-бирига меҳри, ватанпарварлиги ва фидойилиги муҳим аҳамиятга эга. Буни кучли ва соғлом маънавий муҳит, дейилади. Маънавий муҳитни эса зиёлилар, илм аҳли яратади, адашмасам. Агарда улар ватанини ҳақиқатан севса, фидойи бўлса. Лекин, акси бўлса-чи?

Тўғриси, бу ҳақда ёзмасдим, чунки устозларнинг ўзи ёзғувчининг таъзирини бериб қўйди. Лекин виждоним қийналди, кечалари уйқу қочди. Чунки бундан чорак аср олдин бўлган бир воқеа кўз олдимдан яна бир бор ўтди. Тинч қўймади.

Бу воқеа менинг отам, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Мақсуд Юнусов билан бевосита боғлиқ эди. Мен кўрган ва билган воқеаларимни баён қиламан. Отам буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳақида видеофильм яратишни энг олий мақсад деб биларди. Шунинг учун ҳам 1993-1994 йиллари бунга астойдил бел боғлади. Таниқли адабиётшунослар, тарихчилар билан маслаҳат қилган ҳолда, янги фильмнинг сценарийсини ёзишга киришди. Кўпчилик бу ташаббусни астойдил қўллаб-қувватлади. Санъаткор ва зиёлилар катта умид билан қараб турарди.

Мен 22 яшар эдим ўшанда. Отам ўз ижодхонасида куну тун тинмай меҳнат қилгани ҳали ёдимда. Фильмнинг дастлабки қисмларининг сценарийси тайёр бўлди. Актёрларни танлаб олишга киришилди. Ҳаммаси шиддат ва шижоат билан кетаётганди. Чунки Соҳибқирон ҳақида фильм мамлакатнинг шонли тарихини кўрсатиб қўйиш, халқнинг, айниқса, ёшларнинг ғурурини кўтариш учун жуда керак эди-да... Тарихчи олимлар сценарийнинг биринчи ва иккинчи қисмларини кўриб чиқиб, фильмни суратга олишни бошлашдан олдин бир кўрсатув қилиш ва саҳна кўринишларидан парча тайёрлаб, халқимизни, ижод аҳлини бундан бохабар қилиш зарурлигини айтишди. 1994 йил 26 декабрь куни кечки дастурда кўрсатув намойиш қилинди. Кўрсатувда забардаст тарихчи, адабиётшунос олимлар иштирок этди, янги олинаётган фильмдан саҳна кўринишлари намойиш қилинди. Ҳамма хурсанд. Энг асосийси, халқимиз Амир Темур ҳақида фильм олинаётганидан хабардор бўлди. Бу чин маънода ижод аҳлининг, Ўзбекистон телевидениесининг ғалабаси эди.

Лекин ғайирлик билан, олакўз билан қараб турганлар ҳам йўқ эмас экан. Миллат манфаатидан кўра, ўз манфаатини устун қўядиганлар ҳам бор экан, ўшанда.

Кўрсатув эфирга узатилган куннинг эртасига бошланди тўполон. Отамни ва ўша пайтда Бадиий кўрсатувлар бош муҳарририяти бош муҳаррири, раҳматли Ўрол Ўтаевни эртасигаёқ "статья" билан ишдан ҳайдаб юборишди. Кейин билсак, маданият ва санъат, ОАВга масъул бўлган энг катта раҳбарлардан бири Ислом Каримовга кириб "Амир Темур ҳақида видеофильм эмас, бадиий фильм олишимиз керак. ТВдаги бир режиссёр ўзича талқин қилибди, бу нотўғри, уни тезда жазосини бериш керак, ишни бошланмасдан тўхтатиш керак", деб "тушунтирган" экан. Видеофильм ва кўп қисмли бадиий фильм деярли бир нарса эканини ўша даврдаги "даҳо"лар билишмаган дейсизми? Билишган, жуда яхши билишган.

Фақат мақсад ва муддао бошқа бўлган. Катта фильм оламиз, деб "очко" йиғиб олиш, ғазнадан "Ўзбеккино" ташкилоти учун пул чиқариб олиш мақсади бўлган чоғи, аслида бу фитнанинг замирида. Шундай бўлди ҳам, буюк бобокалонимиз ҳақида кўп қисмли бадиий фильм олиш "Ўзбекфильм" студиясига топширилди. Жуда катта маблағ ажратилди. Забардаст актёрларга бош роллар берилди, анча вақт сарфланди. Лекин танлаб олинган режиссёр суратга олиш бошланмасдан ташлаб қочди, иш ярмига келганда маблағ етмай қолди. Шарманда бўлмаслик учун қўшимча пул берилди, умрида тарихий фильм олмаган режиссёрлар томонидан амал-тақал қилиб 1998 йилда тугатилди. Тугатилди-ю, лекин бировга кўрсатиб, мақтанадиган фильм бўлмади. Хорижда қўйилмади. Ҳисобот тариқасида 3-4 марта ТВда кўрсатилдию кейин эфирга берса ҳам ҳеч ким кўрмай қўйди.

Шу ишларнинг бошида сиз тургандингизми, Жаноб? Сизнинг ташаббусингизмиди бу? Ўшанда сиз айтган пуфаклардан бири ёрилмаганмиди?

Бу воқеалар ижод аҳлининг ёдида ҳануз. Менинг ҳам эсимдан чиқмайди. Ўшанда отам ТВдан ҳайдалиб чиқиб кетаётганда телемарказ фойесида кўзида ёш билан менга бир гапни айтган: "... ўғлим, бир одам бор экан "тепа"да Мурод Муҳаммад Дўстов деган, шу тўхтатибди бошлаган ишимизни. Мен ҳали бу даргоҳга қайтиб келаманми ёки йўқми, буни билмайман. Лекин сен энди эҳтиёт бўл бундай одамлардан...".

Тўғрисини айтаман, отамнинг шогирдлари мени яширишди бу воқеалардан. "Тепа"га ҳаммасини қуритдик, деб ҳисобот бериб юборишди. Бўлмаса, менинг ҳам ковушимни тўғрилаб қўйишармиди, ўшанда.

Отамга эса бу зарба қаттиқ тегди. Кўзи кўрмай қолди. Соғлиғига путур етди. 2-3 ойлаб шифохонама-шифохона юрдик. Кейин эса, рўзғор ташвишида деҳқончилик қилишга ҳам тўғри келди. Бу энди бошқа мавзу.

Тақдир бизни анча йиллар учраштирмади бу "одам" билан. Отам бир йилдан кейин ТВга қайтиб келди. Аста-секин ишга киришиб кетди. Яна видеофильмлар олди. Давлат мукофотларига ҳам сазовор бўлди. Лекин қалб яраланди. Амир Темур ҳақида фильм олиш орзуси армон бўлиб қолиб кетди. Майли...

Орадан йиллар ўтди. Телевидениеда анча вақт ишладим. Лекин тақдир тақозоси билан 2014 йил август ойида "Ўзбекфильм"нинг шундоққина ёнида жойлашган "Ҳужжатли фильмлар киностудияси"га ишга ўтдим. Ўша пайтда кино соҳаси обдон элакдан ўтказиб текширилаётган экан.

Биринчи иш кунидан билдимки, "Зиёлилар даҳоси"нинг "шогирди" бўлган, ўн йилдан ошиқ студияга раҳбарлик қилган бир аёл ҳужжатли кинони ҳам, студияни ҳам расво қилиб юборган экан. Ойликнинг ўзидан қарз 150 миллион сўмга яқинлашиб қолган, бино ва унинг атрофи ахлатхонага айланиб кетган экан. Жамоа билан жомакорни кийиб уч ой тозалаганимиз ҳали эсимдан чиққани йўқ.

"Ўзбекфильм"да эса аҳвол бундан беш баттар бўлиб ётарди. Номи киностудия-ку, лекин кинодан бошқа ҳамма нарса шу ерда эди. Шпаклёвка цехи дейсизми, қум-шағал майдалайдиган корхонами, ҳаммасидан бор. Шоколад ҳам, совун ҳам, хуллас, рўзғор учун ҳамма нарса шу ердан чиқарди. "Ўзбекфильм" шпаклёвкаси", "Ўзбекфильм" дарвозалари", ҳатто "Ўзбекфильм" сомсаси" деган брендлар оммалашиб кетганди. Каттагина промзонага айланиб қолганди тарихий студия. Кино эса йўқ. Мультфильм ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Студияга кирсангиз, зарур техника тугул ўтиришга стул ҳам топилмасди. Ижарадан тушган пуллар, ҳар йили кинога ажратилган каттагина маблағлар қаерга ғойиб бўлгани кўпчиликка қоронғу эди. Балки ҳаммага эмасдир?!

Студияда ижод учун жавоб берадиган раҳбар эса крассовка ва жинсини кийиб олиб, хонасида креслога ястаниб, оёқ чалиштириб донолик қилиб, ҳаммага ақл ўргатиб ўтирарди.

Кейин текширувлар авжига чиқди. Каттагина талон-торожлик аниқланди, ўнга яқин раҳбарга жиноят иши ҳам очилди. Улар жазосини олди, еганининг пулини ҳам тўлади. Ўшалардан бири сиз эмасмидингиз, жаноб Дўстов? Яна бир пуфак ўшанда ёрилмаганмиди? А лаббай?

Ўша йиллари Бош вазир лавозимида ишлаётган Шавкат Мирзиёев "Ўзбекфильм" студиясига борганида ҳолатни кўриб ёқа ушлагани, "...аҳвол ёмонлигидан хабарим бор эди-ку, лекин шу даражада харобага айлантириб юборилганини билмаган эканман. Биз тарихий студияни сақлаб қоламиз, янгидан қурамиз қанча куч ва маблағ кетса ҳам..." дегани ҳечам эсимдан чиқмайди. Зудлик билан чоралар кўрилди, "Ўзбекфильм" обдон тозаланди. Уни капитал таъмирлаш ва жиҳозлашга каттагина маблағ ҳам ажратилди.

Шу жойда давлат томонидан кинога қай даражада эътибор берилаётганига мисол келтирайлик. Охирги икки йилда фақат кинофильмлар учун ажратиладиган маблағ 4-5 баробарга оширилди. "Ўзбекфильм"ни қайта қуришга бир неча ўн миллиардлаб пул берилди. Сиз буни кўриб-билиб турибсиз, тўғрими?

Ҳозир ҳам бу ишлар давом этяпти. Лекин ўша даврларда соҳа шу даражада ботқоққа ботиб кетган эканми, қанча куч ва маблағ сарфланса ҳам ҳанузгача ўзига келолмаяпти.

Энди сизнинг мамлакатдаги қурилишлар ҳақидаги "оламшумул" фикрингизга жавоб. "Тундан тонгача" деб номланган фильмни кўрганмисиз? Кўргансиз, албатта. Шу фильмда қаҳрамон: "Мен бир одамни ботқоқдан қутқармоқчи эдим, у менга: "Эй нодон, нима қиласан мени ботқоқдан қутқариб, ахир, ботқоқ мени уйим-ку", деган бир гапни айтади.

Охирги уч йилда мамлакатдаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари сиз ва биз учун, фарзандларимиз, набираларимиз учун қилиняпти. Негалигини биласизми? Чунки халқ бундан буён ботқоқда яшашни хоҳламайди. Сизнинг ҳам шундай истагингиз бор менингча ёки адашдимми?

Раҳбар қилиб сайлаган ва ишонган Президентимиз ҳам юртни шу ботқоқдан чиқариб, одамларнинг муносиб шароитларда яшаши учун астойдил киришган.

Пойтахтимизда битта тузукроқ тадбир ўтказадиган, каттароқ концерт берадиган зал йўқ, деб гапириб юрмаганмидик яқин-яқингача. Икки йил ичида "Ҳумо арена"нинг қурилиши, қисқа муддатда пойтахтнинг обод бўлиб бораётганини нега кўриб, кўрмаганликка оляпсиз.

Ўтган йили кузда Мирзачўл туманида ўн кун юрдим. У ердаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини, қурилаётган уйлар, маданият масканларини, кенг ва равон кўчаларни кўриб, тўғриси, ёш келди кўзимга, қувонч ёшлари. Бу баландпарвоз гап эмас. Чунки Гагарин шаҳрининг олдинги ҳолатини яхши билардим. 25 йил ичида бу шаҳарга биронта раҳбар қадам босмаганидан ҳам, одамлар баракда яшаб, баракда ўлиб кетганидан ҳам хабардор эдим. Биронта тузукроқ бино йўқлигини ҳам ўз кўзим билан кўрганман.

Олти ойда шаҳар қайтадан қурилди. Пойтахт шароитига яқин шароит яратиб берилди одамларга. Замонавий поликлиникалар, болалар боғчалари, мактаблар, боғлар ва энг асосийси, одамлар учун уйлар қуриб берилди. "Обод маҳалла" дастурига тушган мавзедаги бир хонадонга кирганимда янги уйнинг эгаси чиқиб илиқ кутиб олди. Тумандаги ўзгаришлар ҳақида анча гаплашдик. Суҳбатимиз охирига етай деб қолганда "... шошманг, сизга битта гапим бор. Мен шу шаҳарда туғилиб, шу ерда катта бўлдим, уйландим, бола-чақа қилдим. Фарзандларим ҳам катта бўлиб қолди. Шу пайтгача баракда кун кечирардик. Иккита зах хонада яшардик. Болаларимнинг тақдири нима бўлади, улар шу уйда яшайверадими? Қизимни шу баракдан узатаманми? Ўғлимни шу ерга уйлайманми, деб кечалари мижжа қоқмай ўйлаб, ич-этимни еб чиқардим. Худога минг қатла шукр, бизни ўйлайдиган одам ҳам бор экан", деб йиғлаб юборди.

Бу гаплар телевизорда берилмаган, матбуотда ҳам чоп этилмаган. Шу юртдаги ўзгаришлардан наф кўраётган оддий фуқаронинг дилидаги гаплар, холос. Ахир, шу одамлар учун-ку, бу ҳаракатларнинг барчаси.

Энди Тошкент ситини олайлик. Бир неча ўн йиллар давомида шаҳар маркази қандай аянчли аҳволда бўлганини кинода раҳбар бўлиб ишлаганлар яхши билиши керак. Чунки уларнинг ҳашаматли кабинетининг деразасидан кўриниб турарди "гўзал" манзара. Девори ағанаб кетай деб турган уйлар, лой кўчалар, канализация, ҳатто ичимлик суви кирмаган хонадонлар... Унинг ўрнида мамлакатнинг ташриф қоғози бўладиган, одамларимиз ҳавас ва ғурур билан қарайдиган, чет элга чиққанда мақтанадиган, меҳмон келса, уялмай кўрсатадиган замонавий шаҳар қуриляпти-ку.

Ҳар бир вилоятда, ҳар бир туманда, ҳар бир қишлоқда шундай бунёдкорлик ишлари авжида, чорак аср қилинмаган ишни биз 4-5 йилда қиламиз, деб бел боғлаганмиз, ахир. Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг эртаси учун-ку! Ўзини зиёлиман, ватанпарварман деган одам шу ишларга елкадош бўлиши керак эмасми?

Катта Фарғона канали қурилиши ҳақида эшитгансиз. Юз минглаб одамлар кетмон ва белкурак билан кавлашган ҳаёт йўлини. Ҳеч ким, "Нега керак бу канал?", деб четда қараб турмаган. Чунки юрт учун, Ватан учун қилинган бу ишлар. Эл севган санъаткорларимиз, зиёлилар, олимларимиз ўша ерга бориб одамларни руҳлантириб турган. Маъмуржон Узоқовнинг канал қурилишида ишчилар учун микрофонсиз қўшиқ айтгани муҳрланган кино ленталарини бир неча бор такрор ва такрор кўрганмиз ҳаммамиз. Аслида ижодкор-зиёлилару оддий ишчиларнинг юрт равнақи йўлидаги якдиллиги ва бирдамлигининг мисоли эди бу.

Янги Ўзбекистонни қураётган бир пайтимизда ана шундай якдиллик ва бирдамлик сув ва ҳаводек зарур бизга. Забардаст шоир ва ёзувчиларимиз, олиму олималаримиз, эл севган санъаткорларимизнинг ҳамжиҳатлиги ва қўллаб-қувватлови керак бизга. Ёшларга қуввати керак уларнинг, тарбияси керак уларнинг. Шунда биз кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Ана шунда бизни ҳеч ким парчалай олмайди, бошлаган ишимизга тўғаноқ ҳам бўлолмайди.

Кўпчиликда ва айниқса, сизда шунча гапни гапириш учун отанг билан боғлиқ воқеани нега эсладинг, деган савол туғилиши табиий. Сиз катта ёзувчисиз, зиёлилар қатламининг ҳурматли инсони бўлгансиз. Лекин зиёли бўлишнинг ўзи камлик қиларкан, менингча. Инсон, аввало, фидойи бўлиши, юртини, халқини севиши керак экан. Шундагина қай мансаб ва мартабага эришмасин, баланд чўққига чиқмасин, ўз манфаатидан кўра миллат манфаатини устун биларкан. Афсуски, менинг отам сизнинг амбициянгиз туфайли жабр чеккан зиёлилардан бири бўлган, деб ўйлайман. Ҳозир эса зиёлиларни "чалишга", уларнинг хайрли ишларига тўғаноқ бўлишга куч ҳам, ваколат ҳам йўқ сизда. Ҳеч ким бунга қўйиб бермайди ҳам. Лекин ҳамма бунёдкорлик билан овора бўлган бир пайтда миллатни чалғитишга, руҳини ва шижоатини сўндиришга уринманг, илтимос. Ундан кўра, шогирдларингиз юбилейингизда сизни мадҳ этиб байт битганда, бир оғиз, ватанпарвар ва фидойи бўлинглар, миллат манфаати учун ҳам хизмат қилинглар барака топгурлар, деб айтсангиз, айни муддао бўларди.

*P.S: Тўғри, биз сиз каби буюк ёзувчи бўлолмасмиз. Буюк асарлар ҳам ёзолмасмиз. Лекин ватанпарвар бўлиб қолаверамиз ва эл-юртимизга хиёнат бўлганда тинч қараб тура олмаймиз. Бизни шундай тарбия қилишган ва шундай бўлиб қоламиз.*

**Баҳодир ЮНУСОВ,**
**журналист**

# ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА БОҒЛОВЧИ АНЖУМАН

Бошланиши 1-саҳифада

Дастлабки фестивалдан сўнг ўтган давр давлатимиз раҳбари сўзлари айни ҳақиқат эканининг исботидир. Зеро, ҳар бир фестивалдан сўнг жаҳонда мазкур анжуманга қизиқиш кучайиб, қатнашувчи ва меҳмон давлатлар сони ортиб бораётир. Бу йилги фестивалда дунёнинг 75 давлатидан 313 нафар иштирокчи қатнашмоқда. Танловда эса 32 давлатдан 28 та мусиқий жамоанинг 140 нафар иштирокчиси ўз маҳоратини намойиш этмоқда. Икки йўналиш — профессионал халқ мусиқа ва қўшиқлари ҳамда анъанавий йўлда ижод қилинган замонавий мусиқа ёки қўшиқ йўналишларида маҳоратини намойиш этаётган иштирокчиларнинг чиқишларини таниқли санъаткорлардан иборат халқаро ҳайъат баҳолаб бормоқда.

Фестиваль бошланиши арафасида нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда илк маротаба Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегиялари" мавзусидаги халқаро анжуманнинг аҳамияти ҳақида Ҳиндистондан ташриф буюрган олим Анил Кумар шундай деди: "Фаолиятимизнинг энг асосий йўналиши мавжуд маданий меросни сақлаб қолиш ва уни ёш авлодга топширишдир. Улар ўз ўрнида, худди бизга ўхшаб ота-боболаримиз томонидан минглаб йиллар давомида тўпланган бойликларни асраб-авайлайдилар. Форумнинг энг катта аҳамияти яна шундаки, бизнинг фаолиятимиз ва ушбу унутилмас фестиваль дунё халқлари ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш имконини беради".

Анжуман қатнашчилари маданий ёдгорликларни қўриқлаш соҳасининг долзарб муаммолари, халқаро тажрибани ўрганиш, тарихий-маданий меросни сақлашнинг миллий тизимини такомиллаштириш, мазкур йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг асосий шохобчаларини аниқлаш каби масалаларни кўриб чиқдилар.

Ҳар йили фестиваль доирасида ўтказиладиган "Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги илмий-амалий конференция икки кун давом этди. Анжуманда турли мамлакатлардан ташриф буюрган ўттиз нафар олим Шарқ халқлари мусиқа маданияти, тарихи, ижрочилик йўллари ҳақида маъруза қилди. Деярли барча маърузачилар Марказий Осиёдан етишиб чиққан олимларнинг жаҳон мусиқа маданиятига қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Муҳими, бу олимлар фаолияти тарих масалалари, мусиқа назарияси, эстетика, мусиқий чолғулаштириш, ижрочилик каби йўналишлар билан бевосита боғлиқ бўлган, — деди конференция модератори, таниқли мусиқашунос олим Элнура Мамажонова. — Маданий қадриятлар глобал миқёсда қайта баҳоланаётган бугунги кунда бадиий меросга янгича тарихий нуқтаи назардан баҳо бериш долзарб вазифалардан биридир. Хусусан, Шарқ халқлари яратган халқона анъаналар ва айнан Шарқ халқлари мусиқа маданияти масалалари чет эл олимларини ҳамиша қизиқтириб келган ва бу қизиқиш кучайиб бораётир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қатнашчилар таржимонларнинг профессионал малакасига юқори баҳо бермоқдалар. Қадимий будда қўшиғини куйлаб, барчани ҳайратга солган америкалик этнограф Жонатан Дей ҳам ўзи билан бирга юрган Самарқанд Чет тиллар институти ўқитувчиси Қаҳрамон Оқимов ҳақида илиқ фикр билдирди. "Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тафовутга қарамай, биз мусиқашунос олимлар мусиқий билимимиз, тафаккуримиз орқали халқларни бирлаштириб турамиз. Конференциядаги маърузам ҳам айнан шу ҳақда. Бизнинг бугунги фаолиятимиз келажак авлоднинг равнақига хизмат қилади. Шу сабабли ҳам ёшларга ишимизни давом эттириш йўлида ютуқлар тилайман. Зеро, мусиқасиз юрак бўшлиқдан иборат бўлади", деди олим.



Конференция якунида халқаро ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланиб, қатнашчиларга сертификат ва совғалар топширилди.

Айни пайтда Регистон майдонида танлов давом этмоқда. Майдон атрофида эса республикамиз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри вакиллари анжуман қатнашчилари ҳамда меҳмонларга ўз санъатлари, маданиятлари ва анъаналарини намойиш қилмоқдалар. Ҳар ерда ўрнатилган кичик саҳналарда миллий чолғу асбоблари, ҳунармандлик буюмлари намойиши бўлиб ўтмоқда.

Бугун "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг сўнгги куни. Шубҳасиз, ҳамма ҳаяжонда. Ғолиблар тақдирланади, ҳафта давомида қадрдон бўлиб қолган иштирокчилар кейинги анжуманларда кўришишни ният қилиб хайрлашадилар. Кечқурун фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими меҳмонлар, қатнашчилар ва мезбонларни яна бир бор Регистон майдонида жам қилади.

---

**Майкала ШАПИРО (АҚШ), видеоблогер:**

— Самарқандда биринчи марта бўлишим эмас. Лекин анчадан буён айнан шу мусиқий анжуманда қатнашиш истагида эдим. Бу фестиваль ҳақида турли йилларда унда иштирок этган санъат аҳлидан эшитиб юрардим. Болалигимдан мусиқага, санъатнинг барча турларига қизиқаман. Хуллас, қизиқишим айнан профессионал нуқтаи назардан. Ушбу форумни, бутун дунёдан юртингизга келаётган қатнашчиларни меҳр билан қарши олаётган одамларингизни ва дилтортар Самарқанд шаҳрини америкаликларга ва жаҳон аҳлига намойиш қилмоқчиман. Ёш бўлишига қарамай, аллақачон профессионалликка эришган ижрочиларни, биз меҳмонларга ҳамроҳлик қилаётган ёш-ёш таржимонларни кўриб, юртингизда ёшларга берилаётган имконият ва имтиёзлардан мамнун бўлдим. Айниқса, мамлакат раҳбарининг блогерларга самимий муносабатидан жуда хурсанд бўлдик. Бунга форум арафасида Президентингизнинг чет эллик ва маҳаллий блогерлар билан учрашувида шахсан гувоҳ бўлдим. Ушбу учрашув бизнинг ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлиб қолади.

**Луз КАТАРИН (Перу), хонанда, мусиқачи ва хореограф:**

— Ўзбек заминида бизнинг афсонавий хонандамиз Иму Сумак номини ёддан чиқармаганларини эшитиб, кўзларимиз ёшланди. У ўтган асрнинг 60-йилларида Тошкентда гастроль сафарида бўлган эди. Мусиқа оламида ўзига хос ижроси билан ном қозонган Иму Сумак номини қадимдан улуғ хонанда ва созандалар юрти бўлган Ўзбекистонда унутмаганлари бизга фахр бағишлайди. Қанчадан-қанча дунёга таниқли зотлар куйлаган Регистон саҳнасига ҳаяжон билан қадам қўйдик. Айниқса, танлов дастурини биринчи бўлиб очиб берганимиз бизга бир томондан фахр, иккинчи томондан масъулият юклади. Бизнинг ижроимизни қарсаклар билан қўллаб-қувватлаган томошабинлардан мамнунмиз. Чиқишимиз танловда қандай баҳо олишидан қатъи назар, олижаноб шинавандалар хотирасида қолади, деган умиддамиз.

**Сухроб Уддин МОНДАЛ, (Бангладеш), ансамбль раҳбари:**

— Ушбу фестивалда иккинчи марта қатнашаётганимдан хурсандман. Албатта, бундай тадбирда қатнашаётган ҳар бир жамоа ёки хонанда ғолиблар қаторидан жой олишни истайди. Шу қатори бизда ҳам бундай истак йўқ эмас. Лекин бугун анъанавий мусиқа ихлосмандлари қалбини забт этиш осон бўлмайди. Шунга қарамай, бу йўлда бор маҳоратни ишга солишга қарор қилдик. Бизни хурсанд қилган нарса шуки, фестиваль кунлари қаерда бўлиб, ким билан учрашмайлик, мусиқа чолғуларимиз ва миллий либосларимиз ҳаммада катта қизиқиш уйғотди. Ўзбек томошабини бизнинг санъатимизни тушуниб, самимий қабул қилганидан фахрландик. Шаҳарни завқланиб томоша қилдик, гўзал ва меҳридарё одамлар бизни тушунганларидан кўнглимиз кўтарилди.

**Мун НУНГ СУК (Жанубий Корея), халқаро ҳайъат раиси:**

— Ижодий фаолиятим давомида кўплаб фестиваллар ва танловларнинг гувоҳи бўлдим. Лекин муқаддас ўзбек заминида, тинчлик, дўстлик, осойишталик ҳукм сурган, истеъдодларга бой юртда, қадимий Регистонда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" фестивали энг ёрқин, унутилмас анжуман сифатида нафақат менинг, балки барча қатнашчиларнинг ёдида умрбод сақланади, деб ўйлайман. Мен бу заминда кўп марта бўлганман, ҳамкасбларим билан, бутун дунёдан келган артистлар билан мулоқот қилганман. Фестиваль майдонида маҳоратини намойиш этаётган қатнашчиларнинг чиқишлари бир-биридан мазмунли. Демак, улар учун томошабинлар ва ҳайъат аъзолари қалбини забт этиш осон бўлмаганидек, биз учун ҳам яхшилардан энг яхшисини саралаш осон кечмайди.



**Рустам АБДУЛЛАЕВ (Ўзбекистон), санъатшунослик фанлари доктори, профессор:**

— Ҳар сафар фестиваль доирасида конференция ташкил этиш бизда анъанага айланган. Чет элда ўтадиган шу каби тадбирларда бундай тажриба йўқ. Тадбирда қатнашаётган меҳмонлар бунга ижобий баҳо беришди. Чунки бу ерда инсон маънавияти учун муҳим бўлган масалалар муҳокама қилинади. Шу билан бирга, илмий анжуманлар мусиқа соҳасида, унинг назарияси ва амалиётида мавжуд бўлган муаммоларга ечим топиш имконини бериши билан қимматли. Бизнинг фестиваль нафақат амалий, балки назарий кўникмалар ҳосил қилиши билан фарқланади. Зотан, қўшиқни, мусиқани тинглаш ва хулоса чиқариш бошқа, ана шу ижроларни сақлаб қолиш, биздан кейин келадиган авлодларга етказиш алоҳида вазифа. Бу айнан дунё олимларининг ҳозирги кундаги муҳим вазифасидир.

**Тодур ЗАНЕТ (Молдова), фольклорчи олим, академик:**

— Фестивалнинг кенг миқёсдаги очилиш маросимидан ҳайратга тушдим. Маданиятни юксалтириш ва қўллаб-қувватлаш давлат миқёсидаги масала экани яққол намоён бўлди. Ўзбекистон халқига айтадиганим шуки, Сиз — бахтлисиз, катта мамлакатингиз, давлат тилингиз, қадимий маданий-тарихий илдизингиз бор. Мана шу илдизларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган Президентингиз бор. Агар илдизлар қуриса, биз ҳеч ким бўлмай қоламиз, йўқ бўламиз.

Илмий конференциядаги маърузаларни қизиқиб тингладим. Биз гагауз фольклорининг уч жилдлигини тўрт тилда нашр этдик. Ундан Ўзбекистон давлат консерваториясига ҳам тақдим қилдик. Китобнинг иккинчи жилди мусиқага бағишланган. Бугун халқимизнинг қадимий қўшиқларини тиклаяпмиз. Ўзбек халқини Мустақиллик байрами билан табриклайман.

**Ф.ФАХРУТДИНОВА,**
**Г.УМАРОВА**

---



*Анор Назаровни Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги эстрада-симфоник оркестрида раҳбар бўлиб ишлаётган пайтида таниганман. Биз ўша пайтлар радио уйига тез-тез бориб турардик. Кейинроқ, бадиий жамоаларимиз таркибидаги барча ансамбль ва оркестрлар қатори, улар ҳам телевидениега концерт бергани келадиган бўлишди. Концерт бошловчиси бўлган пайтларимда Анор ака билан аввал кундузги репетицияда, кейин кечки эфир пайтида кўришардик. Очиғи, концерт мен учун кундалик иш бўлгани сабабли бу концертлардан кўпам яхши таассуротлар билан чиқмасдим. Ўша пайтларда Анор аканинг кўнгил оламида қизғин жараёнлар кечаётган, иқтидори, қувваи ҳофизаси Сомон йўлларидан қувват олиб турган даври экан.*

# БЕҚИЁС ИСТЕЪДОД СОҲИБИ ЭДИ

Кейинги яқинроқ танишувимиз А.Назаров «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасига раҳбар бўлган пайти — 90-йилларга тўғри келди. Дилором Умарова билан тиним билмай ишлардик. Тантанали тадбирлар «Туркистон» саройида ўтказиларди. Ҳар ҳафта ўтадиган машғулотлар, топширишлар, ниҳоят, концертларни ҳисобласа, кунимиз шу жойда ўтарди. Бунга қўшимча, «Эгиз қўшиқлар» мусиқий муаллифлик кўрсатувимни ҳам шу саҳнада ўтказишга одатлангандим. Продюссерлик ҳавосини олаётган пайтларим эди. Анор Назаровнинг розилиги ва қўллаб-қувватлаши билан ўнлаб концертларни ўтказганман. Шунда Анор ака йирик концертларида бўлгани каби, саҳнанинг ортида кузатиб турганлари эсимда. Масъулияти, маданияти, хайриҳоҳлиги, қизиқувчанлиги боис у саҳнада ҳозир бўларди. Бўлмаса, ундан буни ҳеч ким талаб қилмасди.

Анор ака камтар бўлиб, композитордан кўра кўпроқ деҳқонсифат оддий одамга ўхшарди. Кулиб муомала қилар, ҳазилкаш эди. "Чойга киринг", дерди. Хуллас, саройда жуда яхши муҳит ҳосил қилганди. Айни пайтда унинг мусиқий истеъдоди чиндан ҳам ҳайратланарли эди, у ҳеч ким ёзмаган куйларни ёзди, бошқалар у ёзган куйларни ёза олмади. Бир композитор дунёдан ўтса, бошқалари унинг ишини давом эттира олади, аммо ижодини давом эттира олмайди. У ҳақиқий туғма истеъдод соҳиби эди.

Мустақиллик байрами арафаси беихтиёр Анор Назаровнинг бетакрор куйлари, қўшиқлари ёдимизга келади. Байрамдан бир ҳафта олдин ва яна бир ҳафта кейин эфир тўлқинларида «Истиқлол вальси», «Ватан азиздир», «Юрт қадри», «Ўзбекистон» сингари куй-қўшиқларини эшитгимиз келади. Эшитаверасиз, эшитаверасиз ва бир неча ўн йилдан бери шундай бўлиб келаётгани ҳайратланарли.

Ўн икки қатор шеъримга композитор бир куй басталаган эди, шу қўшиқ кўпчиликка севимли бўлиб қолди. Қўшиқнинг куйини чамаси етти йил, балки ундан кўпроқдир, «Ахборот» информацион дастурининг об-ҳаво маълумоти берилаётган вақтида қўйиб туришди. Гарчи бу куйини мен ёзмаган бўлсам-да, жуда ғурурланардим, чунки шу куйга дахлдор эдим-да. Энди тасаввур қилинг, йигирма беш йиллаб мамлакатнинг энг катта байрамларида, нуфузли саҳналарида ўзи яратган куйлар ва қўшиқлар янграб турса, қандай бахт! Қанот боғлаб, осмон бўлиб кетиши мумкин одам. Аммо Анор ака мутлақо ўзгармади, «юлдузлик касали»ни юқтирмади. Янги асарлар ёзиш, йирик тадбирларни ўтказиш билан машғул бўлиб юраверди. Ўша-ўша: кулиб турадиган чеҳраси,

**УМР ИБРАТИ**

энгашиброқ юришга кўникиб кетган гавдаси, кўксига қўйилган қўллари билан сизга пешвоз чиқиб келаверарди. Қўнғироқ қилса, ёрдам сўраб эмас, хонандаларга қўшиқ таклиф қилиб, шоирлардан шеър сўраб, студиялардан қўшиқ ёзиш учун вақт сўраб қиларди. Дала ҳовли, чет эл машинаси, уммон орти саёҳати у кишини қизиқтирмади. Янги қўшиқлар ёзди, ёш овозларни кашф этди, қўшиқчиликда ҳеч ким кутмаган янги йўналишлар яратиш ишқи билан яшади. Ўзбекистоннинг энг машҳур кишилари қаторида эътироф этилганига қарамай, оддий одамлар орасида юрди. Ҳар байрамда уч-тўрт, баъзан ундан ҳам кўпроқ янги асарлар билан иштирок этарди. Ҳаётда танлагани мусиқа, композиторлик бўлгани учун ўз ишига содиқ қолди. Шу бебаҳо инсоннинг вафотидан сўнг кўрсатув тайёрладим. Икки соатлик кўрсатувда кўп гаплар айтилди. Қуйида ана шу фикрларнинг айримларини келтириб ўтаман: «Анор ака жуда оддий одам эди. Паловни зўр дамларди, киядиган шимларини ўзи тикиб оларди, ҳазилкаш, кулги шинавандаси эди, жигаржонликда унга етадигани кам... Мусиқани севганидан, болалик пайтлари қишлоқ симёғочларидаги карнайлардан концерт бериб қолинганда симёғочни қучоқлаганча тинглар экан... Бирор одамни хафа қилмас, умрида бировни сўкмаган. Одамшаванда, улфатчиликни қадрлар эди. Шу чоққача ҳеч бир композитор тополмаган усулларни топган, майдон, кенглик мусиқасини яратган ва ҳеч бир бастакор ишлатмаган янги ва ўта миллий оҳангларни тополган етук санъаткор эди. Бунақа моҳир санъаткор юз йилларда бир туғилар экан...».

Мусиқаси ҳам унга худди ўзидай садоқат кўрсатди, уни катта саҳналарга олиб чиқди. Юксак мартабаларга эриштирди, олий мукофотларга сазовор қилди. Муҳими, Анор Назаров номини маданиятимиз тарихи зарварақларига муҳрлади.

* * *

Ўзимча ота-оналари нега у кишига Анор деб исм қўйишган экан, деб ўйлайман. Одатда, чақалоқ қизил доғ — нор билан туғилса унга Нормат, Нормурод, Анор, Нортой сингари исмлар қўйилади. Менингча, Анор исмини қўйганларида анордек кўп бўлсин, сирли бўлсин, малҳам бўлсин, деб дуо қилишган бўлса керак. Ёқут қирралари нурда товланган анорнинг атрофига тўкилган ўнлаб доналари «мана мен» деб ўзига чорлаётганга ўхшайди... Йўқ, улар анор доналари эмас, юзлаб мусиқий белгилар, калитлар, оҳанглар... Агар рассом бўлсам, Анор Назаров юрагидан мева узатиб турган ноталарни чизардим...

**Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ**

---



# ЭЪТИРОФ

Тошкент Фотосуратлар уйида "Ўзбекистон халқаро эътироф йўлида" деб номланган фотокўргазма очилди. И.А.Каримов хотирасига бағишланган тадбирнинг очилиш маросимида қатор дипломатик ваколатхоналар, ижодий, илмий жамоатчилик вакиллари, рассомлар, санъатшунослар, талабалар иштирок этди.

**НИГОҲ**

Татьяна Каримова ўзининг кириш сўзида Ўзбекистоннинг янги тарихидаги муҳим воқеалар ва даврларни эслаб, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг шаклланиши ва ривожланишида И.Каримовнинг ўрнига тўхталди.

Биринчи Президентимизнинг хотираси ҳафталиги доирасида ташкил этилган ушбу кўргазмадан таниқли фотосуратчилар Фарҳод Қурбонбоев ҳамда Темур Қурбонбоевнинг асарлари ўрин олган. Суратларда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда шаклланиш ва ривожланиш тарихи, юртимизнинг халқаро миқёсда тан олиниши йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар акс этган. Шунингдек, И.Каримовнинг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари билан учрашувлари, турли халқаро тадбирларда нутқ сўзлаган онлари муҳрланган суратлари аниқлиги, юксак бадиий ечими билан эътиборни тортади.

# ХОРАЗМНИНГ ПУРВИҚОР ТОҒЛАРИ

*Хоразм... Бу кўҳна оламнинг кўҳна манзилларидан бири. Бепоён саҳро бағрида инсон қўли билан яралган ажиб мўъжиза. Гулу гулзорга, соя салқин дов-дарахтлар – гужумларга бой, тилими тилни ёрадиган гурвак, амири, қариқиз навли қовун-тарвузлар, мева-чевали боғ-роғлари кўзни қувнатадиган жаннатмонанд замин. Эл бунинг бетакрор ифодасини топиб айтган: Тангри берган ризқ.*

Насибаси бутун бу ўлкага сафар этиш менга ҳар доим бекиёс ҳис-ҳаяжон, илҳомий туйғу, мухтасар айтсам, катта неъматлар берган. Хоразм қанча-қанча маънавият ва маърифат пешволарининг бешиги бўлган замин. Дунё тамаддуни ривожига катта ҳисса қўшган, устоз шоиримиз Абдулла Орипов ибораси билан айтганда, ақлу тафаккур машъали билан денгиз ортини ёритган аллома Беруний ва яна қанча-дан-қанча Хоразмийларга бешик бўлган. Замахшарийдек уламоларнинг ўгитлари бугун ҳам ғафлат оғушидаги дунёни уйғотишга қодир. Паҳлавон Маҳмуд ҳазратларининг Ҳинд мулкига бўлган муҳаббати, кўрсатган олижаноблиги, мардлиги ҳақидаги сўзлар ривоят тусини олган эса-да, асло ҳақиқатдан йироқ эмас. Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг Ватан озодлиги йўлида кўрсатган жасоратлари қанча-қанча шеърлар, достонлар, романлар, кино ва саҳна асарларига мавзу бўларлик. Ҳазрати Нажмиддин Кубронинг бетимсол ибрати эса... Мактабда ўқиб юрган пайтимда раҳматли устозим Ғолиб домладан эшитганман, Чингизхон Хоразмга қўшин тортганида пиру муршид Нажмиддин Кубро ҳазратларига нома йўллаган: Ҳазрат, сиз шаҳарни тарк этиб, исталган жойингизга кетишингиз мумкин, Сизга ҳеч ким озор бермайди. Сиз мамлакатни тарк этганингиздан кейин жангу жадални бошлаймиз, деган экан. Етмиш ёшли буюк шайх эса рад жавобини беради ва ўз муридлари билан мўғул галаларига қарши жангга чиқади. Чингизий саркардалардан бирининг қўлидан туғни тортиб олиб, мислсиз жасорат кўрсатади.

Мунис Хоразмий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Аваз Ўтар каби аҳли шуаронинг назм сарчашмаларидан қайнаб чиққан дуру жавоҳирлар қиёматга қадар ўз қадру қимматини йўқотмаса керак. Бу азиз гўшанинг куй-қўшиқлари жозибаси тамом санъат шинавандалари дил мулкини ишғол айлаган. Айниқса, Комилжон ҳофизнинг дилсўз нолалари қалбу шууримизга сингиб кетган.

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига қилган ташрифларидан бирида шундай деган эдилар: “...Хоразм воҳаси шундай хосиятли бир юртки, унинг ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортадиган бекиёс сеҳри, жозибаси бор. Чунки Хоразм деганда, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимизга келади. Шахсан мен қачонки бу замин тупроғига қадам қўйсам, кўҳна тарих сирларидан огоҳ бўлгандек, кўп ҳаётий ҳикматларнинг мағзини чаққандек бўламан. Хоразм ҳақида сўз юритганда, машҳур шоиримиз Омон Матжоннинг мустақиллигимиздан олдин ёзган бир шеъри ёдимга тушади. У киши “Нега Хоразмда тоғлар йўқ?” деган саволни қўйиб, “Хоразмнинг буюк тоғлари бор – бу Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Ферузлардир”, деб жавоб беради. Бугун биз чексиз ғурур ва ифтихор билан бу рўйхатга Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Ҳофиз Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний сингари улуғ аждодларимизнинг қутлуғ номларини ҳам қўшиб айтишга тўла ҳақлимиз. Айниқса, енгилмас саркарда, Ватан ҳимоячиси, миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангубердининг она юртимиз озодлиги йўлида кўрсатган бекиёс жасорати ва матонати, мана, орадан неча асрлар ўтса ҳамки, халқимиз учун буюк ибрат намунаси бўлиб келмоқда. Бор-йўғи ўттиз икки йилгина умр кўрган бу жасур баҳодирга, ҳатто унинг ашаддий душмани Чингизхон ҳам тан бериб, “Қани энди, менинг ҳам Жалолиддинга ўхшаган ўғлим бўлса эди, дунёдан беармон ўтардим”, деб айтган...”

Оққан дарё оқаверади, дейишади. Азим дарёлар тўхтамайди. Ана шундай ҳайратли хаёллар билан бўлиб “Ўзбекистон ҳаво йўллари”нинг замонавий учоғи бирпасда манзилга етказганини ҳам сезмай қолдим.

Ишимизни хайрли тадбир билан бошладик. Дастлаб филология фанлари доктори, профессор Ҳамдам Абдуллаевнинг 80 йиллик таваллуд санасини Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ҳокимият вакиллари, университет жамоаси, олимнинг шогирдлари, дўстлари, адабиётсевар мухлислар ҳамда талабалар билан биргаликда нишонладик. Ҳамдам ака миллатимизнинг улкан сўз салафлари меросини, халқ оғзаки ижодиёти хазиналарини, ўзбек, туркман, қорақалпоқ адабий алоқаларини чуқур тадқиқ қилган ҳассос олимдир. Бундан ташқари, олим бугунги адабий жараённи ҳам теран кузатиб, фикру мулоҳазаларини матбуот орқали айтиб туради.



Шундан кейин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Гавҳар Ибодуллаева, филология фанлари номзоди Мадина Матёқубовалар ҳамроҳлигида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактаби билан яқиндан танишмоқ мақсадида очиқ осмон остидаги музей шаҳар – Хивага йўл олдик. Маълумки, Хива Париж, Венеция, Прага, Лондон, Санкт-Петербург, Киото каби дунёнинг машҳур ва кўркам шаҳарлари қаторида эътироф этилган қадимий маскандир.

– Ўликлар тўймагунча, тириклар тўймайди, деган гапни ёши улугилардан эшитганман, – дея сўз бошлади Мадина Матёқубова менга қараб, – ижод мактаби билан танишиш аввалида Мунис Хоразмий ҳамда Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг қабрини бир зиёрат қилсак, нима дейсизлар?

Дарҳақиқат, бу ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гап эди. Мунис ва Огаҳий боболар абадий қўним топган масканга келдик. Ҳаётлигида елкама-елка туриб элу юрт хизматида бўлган бу икки аллома охират сафарига ҳам бирга кетаётгандек таассурот беради кишига. Уларнинг ҳақларига дуои хайрлар қилдик. Зиёратгоҳда ободончилик, таъмирлаш ишлари авжида. Зиёратгоҳ йўли, қабристон атрофи ободонлаштирилмоқда. Усталарнинг бирини суҳбатга тортдик.

– Огаҳий бобонинг юбилейларига қадар ишлар битиб қолса керак-а?

– Худо хоҳласа, битказамиз. Кўриб турибсиз, иш жадал кетаяпти. Йўлакларнинг икки тарафидаги ғиштин деворлар битиб қолди. Қабристон эшигидан то зиёрат манзилигача бўлган йўлакка асфальт ётқизиш бошланди. Бу ерга келган зиёратчи борки, кўнгли ёришиб, руҳи енгил тортиб кетсин, деймиз...

Огаҳий номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат – Ижод мактаби Ичон қалъадан унча узоқда эмас, Дишон қалъада, яъни Огаҳий бобонинг болалик йиллари кечган жой – Қиёт маҳалласида қад ростлаган. Мактабга кўзингиз тушиши билан ҳайратингизга ҳайрат қўшилади. Бино замонавий ва Шарқ меъморчилиги анъаналари уйғунлигида барпо қилинган. Бир қарашда қадим мадрасаларни ёдингизга солади. Ўзига хос ташқи безак усулларидан Самарқанду Бухоро, Шаҳрисабзу Хивадек улуғ шаҳарларни бунёд этган меъморларнинг нафаси келиб тургандек. Ҳа, усталар улардан чин маънода улгу олиб, ўзига хос меъморий ечим билан бунёд этишгани кўриниб турибди. 220 ўқувчига мўлжаллаб қурилган бинода сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Асосий ўқув биносининг ёнида амфитеатр қурилган. Амфитеатр саҳнасининг икки томони калта минорни, томошахонанинг орқа девори эса арк деворларини эслатади. Бу ерда келгусида қанчадан-қанча завқли тадбирлар – адабий кечалар, мушоиралар, санъат ва маданият анжуманлари ўтказилади. Ўшанда бу анжуманлар иштирокчиси учун бир қанча муддат замон ва макон тушунчаси аҳамиятини йўқотиши, ажиб шуълаларга чулғанган, рангин, соҳирий, руҳоний оламлар аро кезиши ва шу аснода қалбан тозариши, руҳан юксалиши шубҳасиз.

– Юз ўринга мўлжаллаган ётоқхонада зарур шароитлар яратилган, – деди мажмуа қурилиши раҳбари Отахон Машарипов, – хона мебеллари сифатли, дизайни ўзига хос. Ўқувчилар компьютерлар билан таъминланган маънавият хонасидан, бой кутубхонамиздан истаган пайтларида фойдаланишлари мумкин. Мактаб ошхонаси юз нафар болага хизмат кўрсата олади. Амфитеатр, унинг ёнида босмахона биноси қурилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хивада Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига кўра 2019-2020 ўқув йилида 5, 6, 7 ва 8-синфларга танлов асосида ўқувчилар қабул қилиниши кўзда тутилган. Саралаш имтиҳонлари аллақачон бошланган. Албатта, энг иқтидорли ёшлар танлаб олинади. Шу ўринда бир таклиф айтиб ўтмоқчи эдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими ўз биносига эга эмас. Мазкур Ижод мактабидан бўлим учун ҳам хоналар ажратилса, яхши бўларди. Чунки ўқувчиларимиз уюшмада ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиш, таниқли шоир-ёзувчилар билан кўришиш, танишиш имконига эга бўлишарди. Дарҳақиқат, бу менинг фикрим. Мутасаддилар ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди...

Бир ярим гектар ҳудудни эгаллаган мактабдаги ободлик, озода-орасталикни кўриб кўзингиз қувонади. Бу ерда таҳсил оладиган ёшларга ҳавасинг, “Оҳ сенинг ёшлигинг менда бўлсайди” (Ҳамид Ғулом), дегинг келади. Бир замонлар мактабларда она тили ва адабиёти фанларига беписанд қаралгани, дарслар сони қисқартириб юборилгани эсингга тушади. Бугун эса мазкур фанлар чуқурлаштирилган ҳолда ўтилмоқда. Чунки Ватанга, халққа, миллатга муҳаббат она тилига, миллий адабиётга бўлган муҳаббатдан бошланади. Энг аҳамиятлиси, ўқувчилар бу ерда хориж тилларини ҳам мукаммал ўзлаштириш имкониятига эга. Мактабга таниқли адиблар, шоир ва олимлар тез-тез келиб туришади. Халқимиз ардоғидаги инсонлар билан бўладиган бундай учрашувларнинг таъсир кучи катта бўлади. Вақти-вақти билан бошқа вилоятларимиздаги Ижод мактаблари ўқувчилари – тенгдошлари билан ўзаро учрашиб, танишиб қайтишга ҳам имкон яратилади. Булар ҳаммаси ёшларимизнинг келажакда кенг дунёқарашли, тийрак ва соғлом фикрли инсонлар бўлиб вояга етишига олиб келиши тайин. Аслида Президентимиз ташаббуси, ғояси бўлмиш – ижод мактабларидан кўзланган эзгу мақсад ҳам шу.

– Энг салоҳиятли ўқитувчиларни жалб этмоқдамиз. Ўқиш давомида мунтазам равишда эл эътиборида бўлган шоирлар, адиблар, олимлар, санъаткорларни мактабимизга таклиф этишни режалаштирганмиз, – дейди Ижод мактаби директори Сарвар Абдуллаев.

Бу ёруғ истакларнинг амалга ошишини чин дилдан хоҳлаймиз. Ижод мактаби биноси қаршисида асрий гужумлар аскарлардай саф тортиб турибди. Кўриб кўзинг қувнайди. Гужумлар атрофида жадал суръатларда ободончилик, тозалик ишлари бораётир. Биз бу ерда Огаҳий ҳазратлари ўз қўллари билан эккан тут дарахтини кўрдик. Бир қарашда оддийгина дарахт. Аммо бу дарахт япроқлари шивирида Мунис, Огаҳий, Аваз Ўтарлар нафасини туйгандай бўласан киши. Унинг кўкка бўй чўзиб турган новдалари дуога очилган қўлларни эслатади. Огаҳий ҳазратларидан ёдгорлик бўлмиш азим дарахт япроқлари шивиридан шундай қувватбахш калималарни англагандай бўлдим: “Эй фарзанд, гўзал замонлар келди. Улуғ аждодларнинг қутлуғ меросларини ўрганиб, элу юрт учун чинакамига хизмат қилгин. Ўз билиминг, тафаккуринг билан боболарга муносиб бўлгин!..”.

Бу шивирлар ухлаб ётган томирларимизни-да уйғотиб юборади. Эй бобо тут, сен қанчалаб улуғ зотларни кўргансан. Бизга ўша улуғлар ҳақида ҳикоялар айтмоқдасан. Буни англаш учун қалб керак. Тангрим бизларга шундай қалб ато эт. Қалбки, аждодларимизнинг меросларини ўрганиш истаги билан ёнадиган қалб бўлсин. Лоқайдлик аталмиш иллатларни руҳимиздан, жонимиздан суғуриб олиб ташлайдиган қалб бўлсин.

Ҳазрати Огаҳий айтганлар:

**Эй Шоҳ, карам айлар чоғи тенг**
**тут ёмону яхшини,**
**Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону**
**обод устина.**

Аллоҳим, ўз меҳру мурувватинг билан қалбимизни покиза туйғулар билан лиммо-лим айлагин...

Кекса тут қаршисидаги бу ўйлар ҳали ҳамон қалбу шууримни тарк этгани йўқ. Тутга яқин жойда анча йиллар муқаддам шу ерлик фидойи кишилар Огаҳий меросини ёш авлодларга етказиш истагида музей биноси қуришган. Музейга кириш аввалида Огаҳийнинг қўлида китоб ушлаб турган ҳайкалига кўзингиз тушади.

**ИФТИХОР**

Хуллас, бу ердаги ишларни кўриб кўнглимиз тўлди. Қувондик. Кундан кун чирой очиб бораётган юртимизга кўз тегмасин.

Шу манзилга келиб, Ичан қалъага кирмасдан кетиб бўлмайди. Даставвал, Паҳлавон Маҳмуднинг равзалари қаршисида туриб тиловат қилдик. Кейин Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Аваз Ўтар каби зотларнинг рамзий қабрларини зиёрат қилдик. Боболаримиз бунёд этиб кетган мўъжиза – тарихий ёдгорликлар ҳар гал борганимда мени ўзига ром этади. Сайёҳларнинг ҳайрат тўла нигоҳларига қарайман. Улар бу мўъжизаларни суратларга муҳрлаб олишмоқда. Улар бу қадим минорлару хонақоҳларни юракларига ҳам жойлаб ўз юртларига олиб кетаверишади.

Дарвоқе, Хивага ҳам темир йўл олиб келинганидан хабарингиз бор. Давлатимиз раҳбари топшириғи асосида Урганчдан Хивагача 30 километр «пўлат из» ётқизилиб, Хива шаҳрида вокзал барпо этилди. Зарур инфратузилма иншоотлари, қўриқлаш пунктлари, йўл ўтказгич ва кўприклар қурилди. Девор ва устунлар Хоразмнинг қадимий меъморчилик анъаналарига хос тарзда безатилган. Бу ерда бир вақтнинг ўзида икки юз йўловчига хизмат кўрсатилади. Замонавий VIP заллар, она ва бола, тиббиёт хоналари ташкил этилган. Зиёратчи ҳамда сайёҳлар учун ахборот берувчи белгилар, планшетлар қўйилган. Вокзалдаги 20 ўринли меҳмонхона юртдошларимиз ва туристларга қўшимча қулайлик яратади. Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ вокзал қадимий Хива қалъаси яқинида қурилгани катта аҳамиятга эга. Бу шаҳарга сайёҳларни кўпроқ жалб этиш, ҳудуднинг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун кенг имконият яратади.

Яна айтаверсам... Йўқ, айтган билан адо бўлмайди. Ҳар галгидек таассуротлар, ҳаяжонлар, ҳайратлар бисёрки, улар ўз-ўзидан назмий мисраларга айланиб бораётир...

**Йўқ, менга сўйлама Зардушт қиссасин,**
**Унга эҳтиёжим йўқ асло, бироқ**
**Олам, сенга айтсам кўнглим ҳавасин,**
**Мен Замахшарийга муҳтожман кўпроқ.**
**Ихтиёр берилса кўнгилга агар,**
**Ҳою ҳаваслари билмагай ҳудуд.**
**Ким бўлмоқ истаса нафсга музаффар,**
**Сиздан сабоқ лозим, Паҳлавон Маҳмуд.**
**Ҳақ сари юрмоққа айлайман жазм,**
**Эй қадим Хоразм, азим Хоразм.**

**Ечилгай ҳар қандай жумбоқ, муаммо,**
**Чиқмасанг виждоннинг амри, измидан.**
**Эй, сен ҳисобини йўқотган дунё,**
**Дарс олсанг бўларди Ал-Хоразмийдан.**
**Инсонни ҳамиша этгай мўътабар,**
**Тангрининг неъмати – ақлу тафаккур.**
**Буюк Берунийга тан берур башар,**
**Авлодлар қалбида ғурур ва шукур.**
**Такрор-такрор дилга ташлайман разм,**
**Эй қадим Хоразм, азим Хоразм.**

**Ошуфта қалбимда олиб юрибман,**
**Азиз боболарнинг азиз руҳини.**
**Қўлларидан тортиб ололмас душман,**
**Нажмиддин Кубронинг тутган туғини.**
**Султон Жалолиддин тортган наърадан**
**Ҳайратга тушгандир Чингиз лашкари.**
**Тарихи, ўтса ҳам йиллар орадан,**
**Онгу шуурлардан кетмагай нари.**
**Ғолибдир садоқат, шижоат, азм,**
**Эй қадим Хоразм, азим Хоразм.**

**Юрагим жаранглар торлар торинда,**
**Рост, Бузрук, Наволар тинглайди Феруз.**
**Руҳимнинг порлаган бу шароринда,**
**Қуёшдан насиба бордир шубҳасиз.**
**Нурсиз идрокларни чулғамиш нурга,**
**Муниснинг бир мунис сўзлари – нусрат.**
**Илкини узатиб Навоий – пирга,**
**Огоҳ бўл, ҳайқирар Огаҳий ҳазрат,**
**Сен ҳақда не айтсам, шоҳ сатр – назм,**
**Эй қадим Хоразм, азим Хоразм.**

**Боқиб Ичон қалъа, Дишон қалъага,**
**Кўксимга жойладим қадим Хивани.**
**Билдим, қулоқ тутиб сўз, ашулага,**
**Ёфасдан мерос бу қутлуғ шевани.**
**Сенга кўз тегмасин ҳеч қачон ўлкам,**
**Сен Аму, Ҳазорасп, Шовот, Урганчсан.**
**Ўтмишинг, бугунинг, эртанг ҳам кўркам,**
**Ватаним бағрида бир дурри ганжсан.**
**Сен борсан, кўнглимда мангу тўй-базм,**
**Эй қадим Хоразм, азим Хоразм.**

**Ғайрат МАЖИД**

# «ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб, она диёримизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улуғвор янгиланишлар, ватанпарварлик, замондошларимизнинг ёркин сиймолари акс эттирилган шеърий, насрий, болалар адабиёти, бадиий-публицистик йўналишдаги энг сара асарлар учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан эълон қилинган “Ватан учун яшайлик!” VIII Республика танлови якунланди.

Қуйидаги ижодкорлар “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимой ривожланиш йили” давлат дастури, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ёритилган, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати яхшиланиши, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб берилаётгани, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларнинг ижобий натижалари, маърифат ва маънавият соҳаларидаги ўзгаришлар, китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти тарғиботи, юртимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз, Ватан туйғуси, истиқлол ғоялари ҳаётий мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан тараннум этилган асарлари учун “Ватан учун яшайлик!” танлови мукофотига сазовор бўлдилар:

**1-ўрин:**

1. **Омон Матжон** – “Эл бирла бўл” шеърий китоби учун.

**2-ўрин:**

1. **Абдуқаюм Йўлдошев** – “Осмон оғуши” қиссалар ва ҳикоялар тўплами учун.
2. **Нодир Жонузоқ** – “Сўз” достони учун.
3. **Чоршаъм Рўзиев** – “Ошиқлик” ғазаллар тўплами учун.

**3-ўрин:**

1. **Сағинбай Ибрагимов** – қорақалпоқ тилидаги “Танланган асарлар” шеърий китоби учун.
2. **Қозоқбой Йўлдош** – “Сўз ёлқини” ва “Очқичсўз” адабий-танқидий мақолалар тўпламлари учун.
3. **Ўткир Раҳмат** – “Йиллар оралаб” шеърий тўплами учун.

**РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР:**

1. **Баҳодир Эрматов** – “Амир Темур Ғарбий Европа адиблари нигоҳида” монографияси учун.
2. **Бахтиёр Абдуғафур** – “Султон Жалолиддин Мангуберди” романи учун.
3. **Нафас Шодмонов** – тарихий мавзудаги “Оқсарой” ва “Нахшаб афсонаси” драматик асарлари учун.
4. **Қалдибек Сейданов** – ўзбек-қозоқ адабий алоқаларига бағишланган “Туғишганлар” тўплами учун.
5. **Зиёвуддин Мансур** – “Қуёш ҳайқириқлари” шеърий китоби учун.
6. **Клавдия Панченко** – ўзбек адабиёти тарғиботи ва адабий алоқаларни мустаҳкамлашга бағишланган мақолалари учун.
7. **Зикрилла Неъмат** – болалар ва ўсмирларга мўлжалланган “Марди майдонлар юрти” номли ҳарбий-ватанпарлик мавзусидаги шеърий тўплами учун.

Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан 2019 йил 15 апрелда Юлдошев Музаффар Рихсибаевич номига берилган шаҳар йўловчилар транспортида бепул юриш ҳуқуқини берувчи O’zR серияли 122166 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

*Газетанинг навбатдаги сони 1 сентябрь куни чиқади.*

O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI
Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

*Муассис:* ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
*Хамкорларимиз:* imzo akfa

*Бош муҳаррир ўринбосари* Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

**Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ**
**Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИЗОВ**
**Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адади - 5705. Буюртма Г - 855.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 03.40

**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**
**Сотувда нархи эркин.**

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42* *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*